

TAHRIRIYAT KENGASHI A'ZOLARI:

Ravshan MAMUTOV,

O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi
Qonunchilik palasati Agrar va suv
xo'jaligi masalalari qo'mitasi raisi

Ibrohim Abduraxmonov,

O'zbekiston Respublikasi
Qishloq xo'jaligi vaziri

Aktam XAITOV,

O'zbekiston Fermer, dehqon xo'jaliklari
va tomorqa yer egalari kengashi raisi

Akrom ALIMOV,

"Tadbirkorlik va fermerlikni qo'llab-
quvvatlash" markazi direktori

Sirojiddin RUSTAMOV,

"Agro Biznes Inform Tahririyati"
MCHJ rahbari, Turon FA faxriy a'zosi,
O'zbekiston Jurnalistlar uyushmasi a'zosi

Fayzullo TOJIQULOV,

O'zLiDeP Toshkent viloyati Chinoz tuman
Kengashi rahbari

Bosh muharrir o'rbinbosari

Asror MO'MINOV

Mas'ul kotib:

Shukurjon JABBOROVA

Dizayner:

Ramazon RUSTAMOV

Musahhih:

Jo'rabeck SIROJIDDINOV

Viloyat muxbirlari:

Qoraqalpog'iston Respublikasi va
Xorazmda
Baxtiyor ESANOV

Sirdaryo va Toshkentda
Farmina G'ayratova

Nashr O'zbekiston Respublikasi
Oliy attestatsiya komissiyasi Rayosatinining
2020-yil 31-dekabrdagi 290/10-sonli
qarori bilan Oliy attestatsiya
komissiyasining ilmiy jurnallar ro'yxatiga
olingan.

Jurnal 2005-yildan buyon chiqsa boshlagan
The journal has been published since 2005

№3 (172) 2024

TAHRIR HAY'ATI RAISI :

Zafar ISKANDAROV,

Turon FA vitse-Prezidenti, t.f.d., professor

TAHRIR HAY'ATI A'ZOLARI:

Ibrahim DILER,

Isparta Amaliy fanlar universiteti rektori, professor (Turkiya)

Kamoliddin SULTONOV,

Toshkent davlat agrar universiteti ilmiy ishlar bo'yicha prorektori

Durbek MAXKAMOV,

Toshkent davlat yuridik universiteti "Ekologiya huquqi" kafedrasasi prof.v.b., yuridik
fanlar nomzodi

Temirjan AYTBAEV,

Qozog'iston Milliy FA akademigi, Qozog'iston Milliy agrar universiteti Meva-
sabzavotchilik va yong'oqchilik kafedrasasi mudiri, q.x.f.d.

Bekmurat TURDISHEV,

Qoraqalpog'iston dehqonchilik ilmiy-tadqiqot instituti direktori, q. x. f. f. d

Baxrom MADARTOV,

Samarqand VMI Toshkent filiali direktori, q. x. f. d, professor

Khashim YAKHYAEV,

O'simliklar karantini va himoyasi ilmiy-tadqiqot instituti yetakchi ilmiy xodim,
professori, q. x. f. d.

Usmon NORQULOV,

ToshDAU, Dehqonchilik va melioratsiya kafedrasasi professori, q. x. f. d.

Erkin BERDIYEV,

ToshDAU, Manzarali bog'dorchilik kafedrasasi professori, q. x. f. d.

Erkin FARMONOV,

Toshkent irrigatsiya va qishloq xo'jaligini mexanizatsiyalash muhandislari instituti,
professor, texnika fanlari doktori

Mansur YULDASHOV,

ToshDAU, Bاليqchilik kafedrasasi professori, biologiya fanlari doktori

Asqarbek SAFAROV,

ToshDAU, qishloq xo'jaligi fanlari bo'yicha falsafa doktori, dotsent

Alevtina KOJEVNIKOVA,

ToshDAU, biologiya fanlari doktori, professor

Abdullo MADALIEV,

"Renaissance University", iqtisod fanlari doktori, professor

Abdunabi FATXULLAEV,

ToshDAU, texnika fanlari doktori, professor

Sirojiddin JO'RAYEV,

ToshDAU Qishloq xo'jaligi ekinlari seleksiyasi va urug'chiligi kafedrasasi mudiri

Murod RAXMANKULOV,

ToshDAU, Qishloq xo'jaligi ekinlari genetikasi, seleksiyasi va urug'chiligi kafedrasasi
professori, q. f. d.

O'ktam QO'L DOSHEV,

Samarqand davlat chet tillar instituti Tarjima nazariyasи va amaliyoti kafedrasasi mudiri
(PhD)

Dilmurodjon HAKIMOV,

ToshDAU, "Qishloq xo'jaligi mahsulotlarini standartlashtirish va sertifikatlash" kafedrasasi
dotsenti

Iroda BAKIEVA,

Toshkent moliya instituti Iqtisodiy xavfsizlik kafedrasasi professori v. b., i. f. d.

Erkinjon BOTIROV,

Toshkent moliya instituti "Iqtisodiy xavfsizlik" kafedrasasi dotsenti, i. f. n.


Gulxehra TANGIROVA,

ToshDAU, Qishloq xo'jaligi ekinlari genetikasi, seleksiyasi va urug'chiligi kafedrasasi
dotsenti

Musulman ZIYATOV

Paxta seleksiyasi, urug'chiligi va yetishtirish agrotexnologiyalari ilmiy tadqiqot
institutining katta ilmiy xodimi, q. x. f. f. d., (PhD)

ЮРТНИНГ КУЧИ — БИРЛИКДА, ҚАДРИ ЭСА ТИНЧЛИКДАДИР



Пойтахтимиздаги “Янги Ўзбекистон” боғида 31 август куни Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 33 йиллигига бағишиш-ланган байрам тантана-лари бўлиб ўтди. Унда сенаторлар, депутатлар, ишлаб-чиқариш илгорлари, илмфан, маданият ва санъат соҳаси намояндлари, тадбиркорлар, нуронийлар ва ёшлар ҳамда мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди. Тантанали маросимда Президентимиз Шавкат Мирзиёев байрам нутқини сўзлади. Қуйида ана шу нутқдан иқтибос-ларни эътиборингизга ҳавола этамиз.

Мана шу ҳаяжонли дақиқаларда ҳаммамиз миллий истиқолимиз нақадар бебаҳо неъмат эканини, унинг тарихий аҳамиятини янада чукур ҳис этмоқдамиз. Айнан мустақиллик туфайли миллий давлатчилигимиз қайта тикланди. Ўзбе-қистон янги тарихий даврга қадам қўйди. Айнан истиқлол туфайли Жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгалладик.

Шундай қутлуғ кунда Ўзбекистон мустақиллиги учун курашган ватанпарвар аждодларимиз хотирасини миннатдорлик билан ёдга олишимиз табиий. Улар – ўз халқини тараққиёт сари бошлаган жадид боболаримиз, миллий озодлик йўлида жон фидо этган улуғ аждодларимиздир. Улар – ғоят оғир шароитда ҳам миллий истиқлол ва ҳуррият ғояларига содик қолган қаҳрамонларимиздир. Бугун уларнинг эзгу ғоя ва тамойилларига таяниб, янги ҳаёт, янги жамият пойдеворини яратмоқдамиз. Бу фидойи зотларнинг номларини ҳеч қачон унутмаймиз!

Уларнинг хотираси қалбимиизда, юрагимизда ҳамиша яшайди!

Кейинги йилларда Янги Ўзбекистонни

барпо этиш йўлида улкан қадамлар қўйдик. Ҳар бир ишимиз, ҳар бир ютуғимизда истиқлолнинг буюк қудрати ёрқин намоён бўлмоқда. Ватанимиз дунёга, дунё эса юртимизга кенг очилмоқда. Минтақамиз ва бутун жаҳонда дўстларимиз, ҳамкорларимиз қўпаймоқда. Сўнгги 7 йилда Ўзбекистон ташабbusлари асосида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 10 дан зиёд, жумладан, жорий йилда 4 та маҳсус резолюция қабул қилинди.

Жаҳон банки бу йил мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 5,3 фоизга ўсишини прогноз қилди. Кўплаб давлатлар билан солиштирганда бу анча юқори кўрсаткичdir. Халқаро валюта жамғармаси эътироф этганидек, 2023 йилда ялпи ички маҳсулотимиз илк бор 100 миллиард доллардан ошди.

Барча ислоҳотларимизнинг руҳи ва мазмунига “Инсон қадри учун, эл-юрт баҳти учун!” деган эзгу ғоя чуқур кириб бормоқда.

Экологияни асраш, табиий ресурсларни тежаб ишлатиш, жумладан, сувдан оқилона фойдаланиш бўйича замонавий тизимларга ўтиш ишларини кучайтирдик.

Тинчликни сақлаш фақат ҳарбийларимизнинг иши бўлиб қолмаслиги керак. Бу барчамизнинг, ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг муқаддас бурчи бўлиши шарт. Юртнинг кучи – бирликда, қадри эса тинчликдадир!

Ҳозирги кунда Янги Ўзбекистонни барпо этишда асосий эътиборни бешта устувор йўналишга қаратмоқдамиз. Булар, аввало, сифатли таълим тизимини йўлга қўйиш, бизнесни ривожлантириш, коррупциядан холи, адолатли суд тизимини яратиш, соғлиқни



сақлаш соҳасини тубдан яхшилаш, экологик барқарорликни таъминлашдан иборат.

Муаммоларимизнинг ечими, саволларимизнинг жавоби фақат ва фақат таълимда. Ҳамма эшикларни очадиган калит ҳам – фақат ва фақат таълим ва тарбиядир.

Мен ҳурматли ота-оналарга қарата айтмоқчиман: қизларингизни ўқитинг, орзуумидларини рўёбга чиқаришларида уларга кўмакчи бўлинг! Улуғларимиз айтганлариdek, ўғил болани ўқитсак, бир киши саводли бўлади. Қиз болани ўқитсак, бутун оила, бутун жамият билимли бўлади!

Қадрли ўғил-қизларим, мамлакатимиз истиқболи, барча эзгу ниятларимиз ижобатини биз аввало сизларнинг тимсолингизда кўрамиз. Келажакда турли соҳаларда улкан ютуқ ва зафарларга эришиб, юртимизни дунёга янада кенг тараннум этишингизни истаймиз.

Маррани баланд олинг, сиз буюк ишларга қодирсиз! Ҳамиша ўз кучингиз, қатъият ва салоҳиятингизга ишонинг! Давлатимиз, халқимиз, Президент сизларни бу йўлда доимо қўллаб-қувватлайди, ҳар қандай ёрдамни аямайди.

Тадбиркорлар билан ҳар йили юзмайоз мулоқот қилмоқдамиз. Уларни қийнаётган муаммоларга ечим топиб, соҳани қўллабқувватлаш учун тегишли қарорлар қабул қиласпмиз.

Биз энди 37 миллионлик катта халқмиз. Ўзбекистон ҳозирги кунда аҳоли сони бўйича жаҳондаги энг йирик 40 та давлатдан бири ҳисобланади. Бу рақамни ислоҳотларимиз,

меҳнатимиз, билим ва қобилиятимиз билан катта салоҳиятга айлантиришимиз керак.

Биз бундан саккиз йил олдин Марказий Осиёни ташқи сиёсатимизнинг энг устувор йўналиши деб белгиладик.

Шу асосда қўшниларимиз билан дўстона муносабатлар тубдан яхшиланди. Барчамизнинг фидокорона меҳнатимиз билан халқларимизнинг барқарор тараққий этган, тинчлик ва ҳамжиҳатлик руҳи ҳукм сурадиган Янги Марказий Осиё ҳақидаги орзуси реал ҳақиқатга айланмоқда.

Бугун шиддатли ҳаётнинг ўзи барчамизни янада улкан мэрралар сари даъват этмоқда. Ўз кучимиз ва салоҳиятимиз билан барпо этган мустақил давлат, эркин ва озод жамиятни янада кучли, янада гўзал ва обод этиш бош вазифамизга айланмоқда.

Бу шундай юксак мэрраки, унга эришиш учун ҳар қанча меҳнат қилсак арзиди.

Бу шундай буюк, шарафли мақсадки, унга бутун борлиғимизни бахш этсак арзиди.

Мен ишонаман – барчамиз бир бўлиб, ақл-заковат, билим ва тажрибамиз, кучғайратимизни ишга солиб, бу улуғ манзилга албатта етамиз. Ёруғ ва нурафшон келажагимизни – Янги Ўзбекистонни албатта барпо этамиз!

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, мана шундай эзгу ғоя атрофида бирлашиб, ислоҳотларимизни қўллаб-қувватлаб келаётган, фидокорона меҳнати билан янги ҳаёт биносини барпо этаётган буюк халқимизга фарзандлик меҳри билан таъзим қиласпмиз.

ФИДОЙИЛИК ЭЪТИРОФИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти тадбиркорлар куни муносабати билан соҳа ва-килларидан бир гурухини мукофотлаш тўғрисида фармонни имзолади. Бунга кўра мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, соҳада янги ва истиқболли лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш, Ўзбекистоннинг иқтисодий қудрати ва экспорт салоҳиятини юксалтиришга қўшаётган катта ҳиссаси, ўзининг ташаббускорлиги, замонавий билим ва тажрибасини намоён этиб, инвестицияларни жалб қилиш, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хизматлар қўрсатишни янада кенгайтириш, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини таъминлаш йўлида алоҳида жонбозлик қўрсатиб келаётгани, шунингдек, ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун бир гуруҳ тадбиркорлар орден ва медаллар билан мукофотландилар. Улар орасида қишлоқ ва сув хўжалигининг кўплаб тармоқлари вакиллари ҳам бор. Тахририятимиз номидан мукофотланганларни муборакбод этамиз.

“Меҳнат шуҳрати” ордени билан

Турдалиев Бохирjon Илхомович —

Бешарик туманидаги “Водий наслли парранда” фермер хўжалиги бошлиғи, Фаргона вилояти

«Дўстлик» ордени билан

Араббаев Xусан Жамалитдинович — Чи-

ноз туманидаги “Юлдуз” чорвачилик фермер хўжалиги бошлиғи, Тошкент вилояти

Даниев Абдушукур Жайловович — Муборак туманидаги “Шодлик пахта-дон кластери” масъулияти чекланган жамияти директори, Қашқадарё вилояти

Пардаев Баходирjon Абдималикович — Оқолтин туманидаги “Занжирили шамшир” туяқушчилик фермер хўжалиги бошлиғи, Сирдарё вилояти

“Шуҳрат” медали билан

Фиёсов Абдинаби Камолович — Яккабоғ туманидаги “Кумуш қуз файзи” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Қашқадарё вилояти

Каримов Абдумўмин Джаббарович — Шароф Рашидов туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Жиззах вилояти



Шаматова Шоирахон Алимовна — Сайхунобод туманидаги «Олимжон қизи Шоирахон» фермер хўжалиги бошлиғи, Сирдарё вилояти

«Фаол тадбиркор» қўкрак нишони билан Алламбергенов Шарипбай Оразимбетович - Тахиатош туманидаги «Гулсара пиллачи» фермер хўжалиги бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

Султанов Телман Разумович - Элликқалъа туманидаги «Рўзимбой бобо» кўп тармоқли фермер хўжалиги бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

Хушназаров Зиёвутдин Икромович — Жалақудуқ туманидаги «Обод диёр ниҳоли» чорвачилик фермер хўжалиги бошлиғи, Андижон вилояти

Кенжаев Анвар Амандиллаевич — Вобкент туманидаги «Заҳро юлдузи» чорвачилик фермер хўжалиги бошлиғи, Бухоро вилояти

Жабборов Анвар Норбоевич - Фузор туманидаги «Жаҳонгир Норбой ўғли» фермер хўжалиги бошлиғи, Қашқадарё вилояти

Маннонова Махлиё Носиржоновна - Шаҳрисабз шаҳридаги «Шаҳрисабз ҳунармандлари кластери» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Қашқадарё вилояти

Сайдов Ақрам Рустамович - Китоб туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Қашқадарё вилояти

Курбанов Жандарбек Оралбекович - Томди туманидаги «Balg'inbek-Dulatbek» туючиллик фермер хўжалиги бошлиғи, Навоий вилояти

Мирсаидов Хондамир Улугбекович - Мирзаобод туманидаги «Баракали тухумлар» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Сирдарё вилояти

Нурматов Зайниддин Муратович - Сайхунобод туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Сирдарё вилояти

Ахмедов Жамшид Шуҳратович - Жарқўргон туманидаги «Parranda Kompleks

Savdo» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Сурхондарё вилояти

Миванчинов Рустам Манеевич - Ўрта Чирчиқ туманидаги «Манаев агро кластер» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Тошкент вилояти

Хасанов Расулбек Сабирович - Гурлан туманидаги «Ихлосбек» чорвачилик фермер хўжалиги бошлиғи, Хоразм вилояти



ФАХРИЙ УНВОН, ОРДЕН ВА МЕДАЛЛАР ҚУТЛУҒ БҮЛСИН!

Истиқлол айёми арафасида Президентимизнинг бир неча Фармонларига биноан мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш, барча соҳа ва тармоқларда ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш борасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, юртимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлаш, Янги Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини юксалтиришга қўшган муносиб ҳиссаси, илғор инновацион технологияларни амалиётга жорий этиш, замонавий ишлаб чиқариш қувватларини яратиш, ҳудудлар инфратузилмасини жадал ривожлантиришдаги улкан хизматлари, жамиятимизда ижтимоий барқарорликни сақлаш, маънавий янгиланишга эришиш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш йўлидаги ибратли фаолияти ҳамда жамоат ишларидағи фаол иштироки учун кўплаб юртдошларимиз фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотландилар. Улар орасида қишлоқ ва сув ҳўжалигининг кўплаб тармоқлари вакиллари ҳам бор.

Таҳририятимиз номидан мукофотланганларни муборакбод этамиз

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўrsatgan chorvadор» фахрий унвони билан

Исмоилов Фахриддин Турсунович -

Олтинкўл туманидаги «Баҳт имкон ривож чорваси» фермер ҳўжалиги бошлиғи, Андижон вилояти

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўrsatgan pilлачи» фахрий унвони билан

Ҳамидов Мусурмон - Нурота туманидаги

«Нурота агропилла» маъсуллияти чекланган жамияти пиллачиси, Навоий вилояти

Чориева Жумахол Қурбоновна - Бандиҳон туманидаги «Бандиҳон агропилла» маъсуллияти чекланган жамияти пиллачиси, Сурхондарё вилояти

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўrsatgan paхtakor» фахрий унвони билан

Кодиров Баҳтиёр Абдусаломович -

Мингбулоқ туманидаги «Баҳтиёр Абдусаломович» фермер ҳўжалиги бошлиғи, Намангандарё вилояти

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўrsatgan қишлоқ ҳўжалиги ходими» фахрий унвони билан

Алиханов Борий Батирович - Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси раиси

Мирзаева Ойистаҳон Мамажоновна -

Избоскан туманидаги «Гулзор пари» фермер ҳўжалиги бошлиғи, Андижон вилояти

Новицкий Зиновий Богданович - Ўрмон ҳўжалиги илмий-тадқиқот институти катта илмий ходими

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўrsatgan irrigator» фахрий унвони билан

Курбанов Илҳам Узакович - Қарши магистрал каналидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи, Қашқадарё вилояти

Останов Раззоқ Маризаевич - «Аму-Бухоро» машина каналидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи, Бухоро вилояти

«Дўстлик» ордени билан

Акрамов Алижон Рашитович - Фиждувон тумани «Сув етказиб бериш хизмати» давлат муассасаси муҳандис-гидротехники, Бухоро вилояти

Кушманов Илёс - «Шовот-Қуловот» ирригация тизими бошқармасининг «Дарёлик арна» канали бошлиғи, Хоразм вилояти

Мухаммедов Содикжон - Мирзаобод туманидаги «A.Masterfruit» масъулияти чекланган жамияти бошқарувчisi, Сирдарё вилояти

Рўзиқулова Санобар Ботировна - Бекобод туманидаги «Лолазор ифори» деҳқон хўжалиги бошлиғи, Тошкент вилояти

Шоххўжаев Файзулло Зиёхўжаевич - «Норин-Қорадарё» ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси мутахассиси, Андижон вилояти

Эргашев Иброхим Кенжабаевич - Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги директори

«Содик хизматлари учун» медали билан

Норқобилов Бахромжон Тураевич - Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантариш қўмитаси раиси

Турсунов Алибек Мамиржонович - Фарғона вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари

«Жасорат» медали билан

Латипов Тухтабай Умирбекович - Тўртқўл туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Қорақалпоғистон Республикаси

Ходжирахимов Фарход Анваржанович - Бекобод туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Тошкент вилояти

«Шуҳрат» медали билан

Абдуллаев Уткир Нуруллаевич - Жомбой туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Самарқанд вилояти

Абдурахмонова Мавжудаҳон Нуралиевна

- Бағдод туманидаги «Гулнора Матқулобод бодомлари» ишлаб чиқариш кооперацияси филиали раҳбари, Фарғона вилояти

Аманбаева Наргиза Махмуталиевна - Коровулбозор туманидаги «Бухоро агрокластер чорва» масъулияти чекланган жамияти бош зотехники, Бухоро вилояти

Бабажанов Бахит Сапарниязович - «Қорақалпоқ сув таъминоти» акциядорлик жамиятининг Чимбой тумани бўлими экскаватор машинисти, Қорақалпоғистон Республикаси

Джангабаев Эрназар Аманбаевич - Мўйноқ туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Қорақалпоғистон Республикаси

Каримов Пулат Абдирахманович - Беруний туманидаги «Акром» фермер хўжалиги бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

Наркулов Ориф Сиддикович - Дўстлик туманидаги «Дўстлик агросервис МТП» масъулияти чекланган жамияти директори, Жizzах вилояти


Омонова Ойлархон - Кўштепа туманидаги «Файзли Фотимахон Ҳакимова» фермер хўжалиги пиллачisisi, Фарғона вилояти

Ражабова Султонпошша Садуллаевна - Боғот туманидаги «Боғот агропилла» масъулияти чекланган жамияти агрономи, Хоразм вилояти

Тагаев Миркомил Ҳасанович - Жарқўрғон туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Сурхондарё вилояти

Тошов Мустақим Музаффарович - Пешку туманидаги «Peshku Mixed Agriculture» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Бухоро вилояти

Усманов Дилмурод Тухтабаевич - Тахтакўпир туманидаги «Орол-агро» масъулияти чекланган жамияти бош директори, Қорақалпоғистон Республикаси



ЎЗБЕК ҚИЗИ – ОЛИМПИЯ ЧЕМПИОНИ!

Париж олимпиадасида спортчи-ларимиз 8 та олтин, 2 та кумуш, 3 та бронза медалини қўлга киритишиб, умумжамоа ҳисобида 206 давлат вакиллари ўртасида 13-ўринни эгаллашди. Айниқса, Париж олимпиадаси чемпионлари орасида қишлоқда туғилиб ўстган ўзбек қизи Диёра Келдиёрованинг борлиги халқимизга олам-олам завқ-шавқ бағишилади.

Халқимиз бу тарихий ғалабани йиллар, асрлар кутди. Негаки, қадими олимпиада эрамиздан аввалги 776 йилдан то милодий 394 йилгача ҳар тўрт йилда Грециянинг Олимпия шаҳрида ўтказилган. Франциялик маърифатпарвар Пьер де Кубертен Олимпия ўйинларини тиклаш ғоясини кенг тарғиб қилди ва замонавий олимпиада 1896 йилдан ҳар тўрт йилда ўтказиб келинмоқда. Юртимиз спортчилари мустақил жамоа сифатида 1996 йилги Атланта олимпиадасидан қатнаша бошлади. Ўтган олимпиадаларда ўзбек қизи медаль олиш тугул, ҳатто қўпчилигида қатнашмади.

Чорак аср илгари бирор 1998 йил 13 июль куни Самарқанд вилоятининг Пастдарғом тумани Пўлатчи маҳалласидаги оддий ўзбек оиласида туғилган Диёра(отаси Бахтиёр пахта тозалаш заводида ишчи, онаси Дилором боғчада тарбиячи эди) келажакда Олимпия чемпиони бўлади деса ҳеч ким ишонмасди. Ўша вақтларда қишлоқда туғилган ўзбек қизининг Олимпия чемпиони бўлиши тушимизга ҳам кирмасди. Ҳатто озғингина қизалоқнинг спортчи

бўлишини ҳеч ким кўз олдига келтира олмасди. Бироқ, бунга бувиси Гулсара момо ишонди. Ўзи набирасини тарбиялади, спорт ўйинларига қизиқтириди, шуғуллантириди (шунинг учун “Бувисининг қизи” номини олган). Олти ёшида Жумадаги болалар ва ўсмирлар мактабига етаклаб борди, дзюдо тўгараги мураббийи Хуршида Холиқовага топширди.

Мураббийга Диёранинг машғулотлар пайтидагитиришқоқлиги ёқдивамусобақаларга қатнаштира бошлади. Тўрт йилдан кейин дзюдо бўйича 23 кг вазн тоифасида (ўша вақтда вазни 24 кг тош босадиган гирдан кам эди) ўсмирлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон биринчилигида ғолиб чиқди ва мамлакат терма жамоаси аъзолари рўйхатига киритилди. 2014 йил Нанкин шаҳрида ўсмирлар ўртасидаги Осиё ўйинларида бронза медали олганидан бувиси қувонди. 2015 йили ёшлар ўртасида Ўзбекистон биринчилигида ғолиб чиққанини эса кўрмади... Аввалроқ ўғли ва келинига шундай васият қилди: “Диёрага спортда ёрдам беринглар, қўллаб-қувватланглар. Ғалабаларини мен кўрмасам ҳам эл кўрса бўлди”.

Диёра бувисининг руҳини шод қилиш учун дзюдо билан янада қаттиқроқ шуғулланди, катталар ўртасида Ўзбекистон, Осиё чемпиони бўлди, Осиё ўйинларида ғолиб чиқди, жаҳон чемпионати, “Улкан тож” мусобақаларида совринли ўринларни эгаллади. Дзюдочилар орзуси бўлган “Улкан тож”ни ҳам қўлга киритди. Унинг спортда эришаётган муваффақиятлари муносиб баҳоланди: “Келажак бунёдкори”

медали, Зулфия номидаги Давлат мукофоти, "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи" унвони билан тақдирланди.

Ҳар бир альпинистнинг орзуси Эверест чўққисини забт этиш, ҳар бир спортчининг орзуси Олимпия чемпиони бўлиш! Диёра Токио олимпиадасини эслаганда биринчи даврадан чиқиб кетгани алам қиласди ва машғулотларга зўр берарди. Париж олимпиадасининг дзюдо бўйича 52 кг вазн тоифасидаги мусобақалар бошланди. Куръа натижасига кўра, Диёранинг биринчи даврадаги рақиби Токио олимпиадаси чемпиони, дзюдо ватанидан бўлган япониялик Ута Абэ (унинг унвонларини санасак, кўп жой эгаллайди. Бунинг устига Диёра жаҳон чемпионати финалида Утага ютқазганди). Тажрибали Ута дастлабки сониядан ташаббусни қўлга олди, усул ишлатиб, ҳисобда олдинга ўтди. Вақт ўтиши жуда тезлашди, жангни яқунлайдиган тўртинчи дақиқа бошланди. Тиришқоқ, иродали Диёра маҳоратини кўрсатиб, рақибини силтаб отди. Рақиби татамига узала ётди – иппон. Диёранинг ғалабаси! Агар дзюдо асосчиси Дзигоро Кано бу усулни кўрганида японча мулозамат билан Диёрага таъзим қиласди.

Иккинчи даврадаги рақиб ҳам кучли, жаҳон чемпионати совриндори, олмониялик Маша Белхаус. Диёра жанг бошида ташаббусга эришди, кетма-кет усул ишлатишига уринди. Рақиби эса фақат ҳимояланди ва огоҳлантиришлар олди. Ҳакам ҳужумкор Диёрани голиб деб топди. Учинчи давраги рақиб: Токио олимпиадаси кумуш медали совриндори, франциялик Амандин Бушар. Нияти ўз юртида Олимпия чемпиони бўлиш, бунинг устига майдондаги томошабинлар уни қўллаб-қувватларди.

Муросасиз кечган жангда Диёра усул ишлатди ва устунлигини сақлаб қолди. Тўртинчи, яъни финалдаги рақиб ҳам кучли: 48 кг вазн тоифасида Токио олимпиадаси

чемпиони, косовалик Дистрия Красничи. Кўзлари чақнаб татамига чиққан Диёра рақибиға нисбатан усул ишлатди. Тажрибали рақиби қанча уринмасин бу устунлигини бой бермади – ҒАЛАБА, ЎЗБЕК ҚИЗИ – ОЛИМПИЯ ЧЕМПИОНИ! Бу спорт тархимиздаги зарҳал саҳифанинг бошланиши. Ишончимиз комил, ҳали бошқа қизларимизҳам Олимпия чўққисини забт этиб, дунё аҳлини ҳайратга солади. Чунки муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев спортчиларимиз, айниқса қизларимизнинг ана шундай юксак муваффақиятларга эришишлари учун барча шароитларни яратиб бераяптилар. Президентимиз ниятлари устувор эканлигига финал жанги тугаши билан биринчи бўлиб телефон орқали Диёрани табриклаганлари ва эзгу тилакларини билдирганлари бунинг ёрқин далилидир.

Ғалабанинг ғалабадан фарқи бор. Диёранинг Париж олимпиадасидаги рақиблари Олимпия чемпионлари, олимпиада ва жаҳон чемпионати совриндорлари бўлди. Яъни, улардан бошқа зўри бу вазнда йўқ. Кескин ўтган жангларда Диёра барча рақибларидан устун келди, миллий курашимиздан озиқ олган ўзбек дзюдо мактаби жаҳонда ҳам ўз ўрнига эга эканлигини исботлади.

Шу боис Диёранинг ғалабаси дунё аҳлида ҳайрат уйғотди. Барча Диёрани самимий қутлади. Биринчилардан бўлиб табриклаганлар орасида Япониядаги шаҳар ҳокими (ҳолбуки, унинг номдор юртдоши ҳам Диёрага ютқазганди), Англия элчиси ва бошқа арбоблар ҳам бор. Халқаро Олимпия қўмитаси расмийлари эса Лозаннаги Олимпия музейига қўйиш учун Диёранинг финалда кийган кимоносини олишди. Ҳурмат-эҳтиромлар давом этади, мақолалар ёзилади, асарлар яратилади. Диёра Келдиёрованинг ғалабаси ана шундай эъзозларга, ардоқларга арзийдиган БУЮК ҒАЛАБА!



ДИЁРА

Мардлар олишмайди, силтаб отади.
Барчиннинг Алпомишга даъвати.
“Алпомиш” достонидан.

Қанча ёвқурларни кўргандир дунё,
Кунчиқар юртда ҳам тинмасди саваш.
Ва шунда яратди Дзигоро Кано,
“Юмшоқ йўл” аталган янги бир кураш.

Дзюдо – юмшоқ йўл, дегани фақат
Унда ғалабага эришмоқ қийин.
Олимп чўққисига чикмоқ машаққат,
Қанча мардлар бели синиши тайин.

Доим жилва сочар Олимп чўққиси,
Ҳар кимнинг орзуси ушалмас кушод.
Ўйласа, половонлар қочар уйқуси,
Уриниб кўргандир Абдулла, Ришод...

Бизда Алпомиш танг қолса майдонда,
Четда Барчин чорлар силтаб отишга.
Барчин қизлар бордир Ўзбекистонда,
Диёра даъвогар силтаб отишга.

Олимпни забт этган япон қиз Ута,
Чемпионлик истар иккинчи бора.
Жангни кузатади ҳамма ҳайратда,
Чунки рақибаси эпчил Диёра.

Ута японга хос усул ишлатар,
У олдинда, чопар сония мили.
Ута татамига узала ётар,
Уни қулатганди ўзбекнинг чили.

Кўйда пайдо бўлар Дзигоро Кано,
Диёрага мамнун айлайди таъзим.
Паҳлавон Маҳмуд ҳам самода пайдо,
Дейди: “Менга тортган Диёра қизим”.

Кўйда пайдо бўлар Гулсара момо,
Устозларга йўллар таъзим ва салом.
Шукур, набирамни сийлади Олло,
Сиздай пирлар руҳи қўллади мудом.

Ҳали ютуққача заҳматли йўл бор,
Татамида кутар олмон зўр қизи.
Дейдилар, зўрдан зўр бўлар зўрабор,
Қаранг, Диёранинг чақнади кўзи.

Майдон гувлар, чиқар фаранг Амардин,
Парижда сурмоқчи ғалаба гаштин.
Жанг бошланди, майдон гувлар, олмас тин,
Шовқин Диёранинг ошириди шаштин.

Олимпга чиққандир хорват Дистроя,
Чемпион бўлмоқчи иккинчи бора.
Қанча рақибларин этганди қия,
Унга йўл бермади бизнинг Диёра.

Тўртта аёвсиз жанг ва тўрт дақиқа,
Диёрани машхур қилди жаҳонга.
Кўксидা порлайди олтин ақиқа,
Катта тўй муборак Ўзбекистонга!

Элда етти ёшдан етмиш ёшгача,
Барча хурсанд, дилу тилларда шукур.
Юртбоши сим қоқар шу ойдин кечा,
Диёрани кутлар, айтар ташаккур.

Азал холисликка тимсолдир офтоб.
Ютқазган япон қиз унинг яқини,
Диёрани кутлар япон ҳокими,
Инглизлар элчиси, муҳлису арбоб.

Диёримга меҳрим бисёрдан бисёр,
Диёрадай қанча фарзандлари бор.
Хур Ўзбекистоним гўзал, бетакрор,
Бироқ, Диёранинг ўзи бир диёр!

Асрор Мўмин,
шоир ва таржимон,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

СОЯ НАВЛАРИНИНГ ДАЛА УНУВЧАНЛИГИ ВА САҚЛАНУВЧАНЛИГИГА НАНОПРЕПАРАТЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

М.А.Саттаров¹, М.А.Бойматова²,

¹қ.х.ф.д., к.и.х., Шолицилик илмий-тадқиқот институти

²таянч докторант, Шолицилик илмий-тадқиқот институти

Аннотация. Ушбу мақолада Тошкент вилоятининг ўтлоқи-ботқоқ тупроқ иқлим шароитида соя ўсимлигининг дала унувчанлик ва ўсув даври охиригача сақланувчанлик даражасига хитозан нанопрепаратлари таъсири бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Таянч сўзлар: соя, хитозан, нанопрепарат, унувчанлик, сақланувчанлик, эликсатор, ўсимлик, уруғ.

Маълумки, қишлоқ ҳўжалик экинларини етиштиришда биостимуляторлардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Соя навларини етиштиришда симулятор сифатида ишлатилган хитозан биополимери атроф-муҳит учун хавфсиз бўлиб, экологик тоза дон ҳосили олиш учун жуда мақбул биостимулятор ҳисобланади.

Соянинг истиқболли навларидан хавфсиз, экологик тоза ва юқори ҳосил олиш ва аҳолига сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини етказиш максадида нанопрепаратлардан тўғри фойдаланиш илмий ишни асосий вазифаси ҳисобланади.

Дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий ўқув юртларида қишлоқ ҳўжалиги экинлари уруғларини экишдан олдин ишлов беришда нанопрепаратларни қўллаш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Хориж олимлари томонидан биологик фаол полимер- қисқичбақасимонлардан олинган хитозан ва унинг ҳосиллари асосидаги препаратлар ўсимликлар физиологик жараёнларини тезлаштириши, ўсиб

ривожланишига ва ҳосилдорлигини ошириши, ўсимликларга қасаллик ва зааркунандаларга юқори чидамлилик бериши аниқланган.

Бизнинг тадқиқот ишларимизда биостимулятор сифатида ЎЗР ФА Полимерлар кимё ва физикаси институтида маҳаллий тут ипак қурти ғумбагидан олинган Bombyx mori хитозани асосида олинган нанопрепаратларидан фойдаланилган.

Тажрибада, Ўзбекистон Шолицилик илмий-тадқиқот институтида яратилган ўртапишар Нафис ва Севинч, Краснодар селекциясига оид Селекта-302 навлари ўрганилди.

Илмий адабиётларда, хитозан ва унинг ҳосиллари ўсимликларда табиий ҳимоя реакцияларини келтириб чиқариши ва ўрим-йигимдан олдин ва кейин патоген қасаллардан сақлаши, ҳосилдорлигини ошириши ҳамда ўсимликларнинг ўсишини рағбатлантирувчи восита сифатида қўлланилганлиги маълум қилинган. Хитозан эликсатор сифатида ўсимликларнинг замбуруғ

ва вирусли касалликларига чидамлилигини оширади. Бу хитозаннинг вирусга қарши фаоллиги бўйича ўтказилган тажрибаларда яққол намоён бўлган, вируслар билан юқишининг олдини олганлиги тажрибаларда исботланган.

Эликсаторлар - ўсимликларда ўзига хос бўлмаган иммун реакциясини қўзғатувчи, ҳимоя генларининг экспрессиясини ошириш орқали антипатоген моддаларнинг тўпланишига сабаб бўладиган моддалар.

Тадқиқот натижалари. Ўрганилган адабиётлардан маълумки, соя навлари туп сони ва сақланувчанлигининг ҳосилдорликка таъсири жуда муҳим, буни кўпгина олимлар илмий изланишларида кўришимиз мумкин,

Атабаева Х.Н. [2;], Ёрматова Д.Ё., Тангирова Г.Н. [3;] ва қўплаб олимларимиз томонидан олиб борилган илмий тадқиқот ишларида қўчат қалинлиги соя навларининг ўсиб-ривожланиши ва ҳосилдорлигини белгилаб бериши ўз исботини топган.

Тадқиқот олиб боришда дастлаб, фойдаланилган соя навларининг уруғлари лабаратория шароитидаги унувчанлиги аниқланди, чунки экиннинг ҳосилдорлиги ва

ҳосил структураси сифатли сара уруғларнинг унувчанлигига боғлиқ. Ўсимликтининг биологик хусусиятларини ўзида жам қилган уруғ сифатига эътибор қаратиш зарур элементлардан биридир. Бундан ташқари, соя уруғларининг далада яхши униб чиқиши тупроқ намлиги, экиш чуқурлиги, экиш муддати ва меъёри, об-ҳаво шароити ва агротехник тадбирларнинг тўғри олиб борилганлигига ҳам боғлиқ бўлади.

Дала тажриба майдонларида экилган соя навлари уруғларининг унувчанлигига нанопрепаратлар таъсирини аниқлаш мақсадида кузатув ишлари вариантлар кесимида олиб борилди.

Тажриба вариантларида ишлатилган соянинг ўртапишар маҳаллий Нафис нави, истиқболли Севинч нави ва хорижий Селекта-302 нави уруғлари экиш меъёри 60-70 кг/га, яъни амалиётда кенг қўлланилаётган мақбул меъёрда 400 минг дона/га уруғ экилган ҳолатда кузатилди. Хитозан нанопрепаратлари таъсирида соя навлари дала унувчанлиги ва туп сонининг сақланувчанлиги бўйича кузатувларимиз натижалари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Соя навларининг дала унувчанлиги ва туп сонининг сақланувчанлик даражасига нанопрепаратларнинг таъсири (ўртача уч йиллик).

№	Тажриба вариантлари	Унувчанлик		Сақланувчанлик	
		туп сони минг дона/га	%	туп сони минг дона/га	%
Нафис нави					
1	Назорат	351,6	87,9	321,4	91,4
2	Хитозан	353,2	88,3	326,7	92,5
3	Нанохитозан	356,4	89,1	335,4	94,1
4	Наноаскорбатхитозан	365,2	91,3	349,1	95,6
Севинч нави					

1	Назорат	348,4	87,1	321,9	92,4
2	Хитозан	350,2	87,5	325,0	92,8
3	Нанохитозан	354,8	88,7	339,5	95,7
4	Наноаскорбатхитозан	356,8	89,2	337,5	94,6
Селекта-302 нави					
1	Назорат	296,8	74,2	274,8	92,6
2	Хитозан	297,6	74,4	277,4	93,2
3	Нанохитозан	311,2	77,8	296,6	95,3
4	Наноаскорбатхитозан	313,6	78,4	303,7	96,8

Ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, тажрибада экилган соянинг андоза Нафис навини унувчанлиги бошқа навларга нисбатан юқори 87,9-91,3 % лиги кузатилди, чунки Нафис маҳаллий нав бўлиб, шу тупроқ-иқлим шароитига яхшироқ мосланганлигидан. Паст натижа хорижий нав Селекта-302 да унувчанлик 74,2-78,4 % ни ташкил қилди.

Ўрганилган навларнинг барчасининг уруғ унувчанлигига маълум миқдорда нанопрепатларнинг таъсири кузатилди, буни Севинч нави мисолида кўриб чиқадиган бўлсак, нозоратга нисбатан хитозан препарати таъсир эттирилган вариантда 0,4 %, нанохитозан препарати таъсир эттирилган вариантда 1,6 %, наноаскорбатхитозан препарати таъсир эттирилган вариантда 2, 1 % гача яхшироқ натижалар олинди. Соя ўсимлигини ўсув даври охиригача нобуд бўлмасдан

туп сонини сақланиш даражасига хитозан нанопрепаратларининг сезиларли таъсири кўрсатиши аниқланди. Буни Нафис навида вариантлар кесимида 1,1 %, 2,7 %, 4,2 % гача сақланувчанлик даражаси ошганлигини кўришимиз мумкин.

Истиқболли Севинч навида назорат навига нисбатан хитозан нанопрепаратлар таъсир эттирилган вариантларда 0,4 %, 3,3 %, 2,2 % гача, хорижий Селекта-302 навида назорат навига нисбатан хитозан нанопрепаратлар таъсир эттирилган вариантларда 0,6 %, 2,7 %, 4,2 % гача туп сони сақланиш даражаси ортганини кузатишмиз мумкин.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, соя ўсимлигига ташқи муҳитни ҳар хил биотик ва абиотик омилларга бардошлигини ортириш учун хитозан нанопрепаратлари энг яхши восита бўла олади.

Фойдаланилган адабиётлар:

- Дала тажрибаларини ўтказиш услублари – Тошкент, 2007. 147 б
- Атабаева Х.Н. Соя – перспективная культура в условиях орошения Узбекистана // Ўзбекистон аграр фани хабарномаси журнали. – Тошкент, 2000. - № 1. - 23-26 б.
- Ёрматова Д.Ё., Тангирова Г.Н. Ўзбекистонда соя етиширишнинг қишлоқ хўжалиги технологияси. Тошкент, 2015. Фан ва технология. 67-74-бетлар
- Доспехов Б.А. “Методика полевого опыта”, Москва. “Колос” -1985.- С. 415–418. Посыпанов Г.С., Методы изучения биологической фиксации азота воздуха. // Р.1991. с.165-231.

МОЛЛЮСКИ В УЗБЕКИСТАНЕ



Кожевникова А. Г.,

д.б.н., профессор кафедры «Защита растений и карантин»
Ташкентского государственного аграрного университета,

Аннотация. В статье представлены материалы по изучению основных морфологических, биоэкологических особенностей моллюсков, их особенности, распространение, вредоносность и значение в Узбекистане, для диагностики вредных видов.

Ключевые слова: моллюски, класс, Mollusca, вид, видовой состав, значение моллюсков, особенности.

Введение. Знание моллюсков, понимание их значения позволяет ответить на ряд важных вопросов, осветив которые мы можем активно влиять на обеспечение продовольственной безопасности страны.

Постоянно возрастающая трансформация среды обитания животных организмов, по мнению многих мировых и отечественных ученых, приводит к изменению их численности, возрастанию роли и значения отдельных основных компонентов в природных и искусственных экосистемах, возрастают масштабы их негативного влияния.

Именно молодые ученые, наша молодежь, которая приходит на смену должны дать окончательные ответы на все вопросы, касающиеся этой группы животных, поскольку моллюски условно подразделяются на вредные и полезные виды.

Нужно помнить, что все моллюски экзотичные, необычайные, зачастую потрясающей красоты и биологии виды, придающие обаяние окружающей нас природе,

бесконтрольное уничтожение их недопустимо.

С этой точки зрения учёными страны успешно решается ряд вопросов: определяется экологическое значение моллюсков в водных и сухопутных экосистемах, практическое значение моллюсков, особенности строения и вредоносности брюхоногих моллюсков, значение брюхоногих моллюсков для человека, изучаются двустворчатые моллюски, особенности их строения и значения для человека, выясняются прогрессивные черты организации моллюсков, практическое их использование, типы размножения моллюсков и, конечно же, особое внимание обращается на методы борьбы с моллюсками, повреждающими сельскохозяйственные культуры и другие.

Во всем мире практикуется использование моллюсков для разнообразия питания населения, в целях обеспечения высококачественными белками и необходимыми микроэлементами, имеющихся в них (Рис.1).



Рис.1. Блюдо из съедобных моллюсков мидий (из Интернета).

Съедобные моллюски имеются в продаже и в наших магазинах.

Судя по литературным источникам и опираясь на собственные наблюдения, в Узбекистане обитает большое разнообразие моллюсков. Конечно, виды местных моллюсков человеком не используются в пищу. Но мир моллюсков в Узбекистане богат видами.

Известно, что среди моллюсков встречаются хищные и растительноядные формы, в реках и озерах имеются моллюски фильтраторы.

Многим моллюскам принадлежит важная роль в формировании почвенных биоценозов. Из их раковин состоят горные породы (мрамор, известняк, ракушечник). Раковины моллюсков используют в качестве строительного и декоративного материалов.

Моллюсков можно найти практически везде: на равнинах, в предгорьях, горах, в реках, озёрах, в водохранилищах, прудах, на лугах и даже на сельскохозяйственных угодьях. Многие из них зачастую являются серьёзными вредителями культурных и пастбищных растений, и наносят ущерб урожаю.

Усиление антропогенного воздействия на природную экосистему обычно приводит к исчезновению многих представителей моллюсков.

Еще в 1981 году в справочнике по хлопководству С.Н. Алимухамедов, Ф.М. Успенский, З.К. Адылов приводили интересные данные, они отмечали, что беспозвоночные, вредящие хлопчатнику в Узбекистане относятся к трем типам животных: тип круглые черви, класс нематоды – 2 вида; тип моллюски, класс мягкотелые – 5 видов; тип членистоногие, класс ракообразные – 1 вид; класс паукообразные, отряд клещи – 3 вида; класс насекомые – 103 вида [1]. Т.е. исследователи С.Н. Алимухамедов, Ф.М. Успенский, З.К. Адылов на одном только хлопчатнике обнаружили 5 видов вредоносных моллюсков.

По сведениям А. Пазилова и Д.А. Азимова большинство наземных моллюсков – растительноядные полифаги с большей или меньшей склонностью к сапро- и капрофагии, или к микофагии.

Предпочитаемыми пищевыми объектами для большинства видов служат части растений.

Это листья, стебли, плоды, луковицы, подземные клубни, зерна многих диких и культурных растений, как в свежем виде, так и в различной степени гниения [2].

Хотелось бы привести выдержку из научной статьи Д.А. Азимова, Ф.Д. Акрамовой, Б.Р. Холматова, Э.Б. Шакарбоева «Стратегия развития зоологической науки в Узбекистане»: «В решении проблем зоологии велика роль научных школ академиков АН РУз Т.З. Захидова, А.М. Мухаммадиева, И.Х. Иргашева, Д.А. Азимова, членов-корреспондентов АН РУз В.В. Яхонтова, Р.А. Алимжанова, М.А. Султанова, А.Т. Тулаганова и других учёных [3].

Д.А. Азимов, Ф.Д. Акрамова, Б.Р. Холматов, Э.Б. Шакарбоев в своей работе также пишут, что «Зоологическая наука Узбекистана

прошла славный путь. Основы её были заложены выдающимися натуралистами А.Э. Эверсманом, Л.С. Бергом, Н.М. Пржевальским, М.Н. Богдановым, Н.А. Зарудным, М.А. Мензбиром, Н.А. Северцовым, Д.Н. Кашкаровым, академиками К.И. Скрябиным, Е.Н. Павловским и многими другими. Они внесли большой вклад в исследование фауны Узбекистана и сопредельных стран региона».

Ученые Узбекистана считают, что в настоящее время в Республике большое внимание уделяется инвентаризации фауны локальных территорий, сохранению биоразнообразия животного мира и рациональному использованию биоресурсов.

На основании вышесказанного возникает необходимость обеспечить молодых специалистов знаниями основных вредных и полезных представителей всего типа Mollusca.

По сведениям И.Х. Шаровой моллюски или мягкотельные, обитающие в мире, представляют собой крупную группу животных, включающую около 113 тыс. видов [4].

По сведениям А. Пазилова и Д.А. Азимова — моллюски одна из самых богатых видами групп животного мира после членистоногих.

Известно всего примерно 128000 видов современных и ископаемых видов моллюсков.

Большинство их живёт в воде, однако, лёгочные брюхоногие моллюски завоевали сушу. Обитая в море, пресных водах и на суше, достигая в каждой из этих жизненных сред значительного количественного развития, они являются существенным компонентом большинства природных сообществ организмов [2].

Ученые считают, что малакофауна Узбекистана и сопредельных территорий весьма разнообразна и отличается богатой эндемичностью видового и родового ранга.

Тело моллюсков в большинстве случаев состоит из головы, внутренностного мешка

и ноги, и покрыто твердой известковой раковиной [5].

Эти беспозвоночные животные отличаются мягким телом, их так и называют «мягкотельные» и обычно их тело спрятано в защищающую их раковину, известкового характера (Рис. 2).



Рис. 2. Брюхоногий моллюск (из Интернета).

Известно, что в иные годы моллюски размножаются в массовом количестве.

Массовое скопление морских моллюсков (мидий) автор наблюдала у побережья Черного моря в районе Сочи (Россия) и сухопутных моллюсков (катушек) в районе садов близ села Ордай (Узбекистан), на окружающей растительности посадок абрикосовых и ореховых деревьев.

Е.И. Лукин определяет моллюсков следующим образом: Тело моллюсков состоит из головы, туловища и ноги. На голове расположены рот и органы чувств. В туловище находятся внутренние органы. Моллюски обладают несегментированным телом. Передвигаются сухопутные и некоторые водные моллюски при помощи ноги [6].

Раковина имеет очень разнообразный, удивительно красивый, или обычный и иногда даже невзрачный вид. Размеры, форма, окраска, рисунок раковины важный видовой и родовой признак, используемый в систематике этой группы животных.

Моллюски, обитающие на дне водных и особенно в морских водоёмах имеют тяжелые и прочные раковины. Примером может служить прочная раковина рапаны (Рис.3).



Рис. 3. Прочная раковина рапаны (Rapana), найденная автором на берегу Черного моря в районе Сочи (Россия) (ориг.).

Большое значение имеет уменьшение массы тела для сухопутных моллюсков.

Можно увидеть, что у вредителя виноградной улитки (класс брюхоногие) прочная и лёгкая раковина.

Брюхоногие моллюски (Gastropoda), самый многочисленный и многообразный класс (Рис. 4). Известно, что брюхоногие распространены по всему земному шару, кроме ледников.



Рис.4. Великолепная раковина морского брюхоногого моллюска, в виде сувенирного украшения, сфотографированная автором (Россия) (ориг.).

В своей книге «Жизнь животных» гениальный учёный А.Э. Брем писал: «Улитки, или брюхоногие составляют наиболее богатый формами класс мягкотелых» [7].

К брюхоногим относится более 90 тыс. видов, которые живут в пресных, морских водах и на суше.

К сухопутным моллюскам относятся многочисленные наземные слизни, улитки (Рис 5).



Рис. 5. Сухопутный брюхоногий моллюск, Ташкентская область (ориг.)

Ученые отмечают, что многие из сухопутных видов являются вредителями сельскохозяйственных растений — огородный слизень, виноградная улитка и другие.

Отличительными особенностями класса Брюхоногих моллюсков являются: наличие раковины, хорошо выраженной головы, с 1-2 парами щупалец и глазами, и наличие плоской подошвы ноги.

В научной литературе имеются сведения, что представителей этого класса находили на глубине 4800 м. или высоко в горах, на высоте 2800 м. над ур. м. Однако, фауна брюхоногих моллюсков, по общему мнению изучена еще недостаточно.

Двустворчатые моллюски имеют большое промысловое значение (Рис. 6).



Рис. 6. Промысловый двустворчатый моллюск сердцевидка *Cardium edule*, обнаруженный автором в полосе прибоя Средиземного моря (ориг.).

У многих неподвижных форм нога редуцируется полностью (Рис. 7).



Рис. 7. Устрица (из Интернета).

В ряде стран намечено в ближайшие годы расширить мероприятия по марикультуре, т.е. по разведению различных морских съедобных животных, среди которых важное место занимают моллюски [4].

По сведениям Г.Г. Абрикосова с соавторами [5], целый ряд моллюсков разводят для использования раковин (Рис.8).




Рис. 8. Раковина *Cassis* камео с камеей работы Гвидо Рени (по Тресслеру).

В Китае, Японии, Сиаме и Персии в первое тысячелетие н. э. была уже развита техника перламутровых инкрустаций [7] (Рис. 9).



Рис. 9. Современное изделие из кокосового ореха с инкрустациями (ориг.).

И, конечно, необходимо вспомнить материал, изложенный в книге А.Э. Брема «Жизнь животных» [7], в которой публикуются интересные данные о том, что в качестве денег улитки служили в Островах Океании, в Африке и в Америке (Рис. 10).



Рис. 10. Раковины похожие на «каури», обнаруженные автором на берегу Средиземного моря (ориг.).

«В Африке раньше служили в качестве денег маленькие улитки-оливы (*Oliva nana*), которых собирали на одном из островов южнее устья р. Конго, но теперь они давно вышли из употребления. Напротив, очень распространены и теперь, пишет А.Э. Брем [7], так называемые деньги «каури» — раковины многих видов ципрей (*Cypraea moneta*, *C. annulus*), которые все обитают у юго-восточных берегов Азии и служили сначала в Китае и Японии, средством оплаты и размена, а оттуда они были перенесены в Индостан и Индо-Китай, где они в начале нашей эры сделались валютой» (Рис. 11).



Рис. 11. Деньги «каури» и украшения из раковин переднежаберных моллюсков (по А.Э. Брему).

Глохидии — мелкие личинки пресноводных крупных моллюсков (беззубки и перловицы) — паразиты. Находясь в воде, глохидии прикрепляются к коже, жабрам и плавникам рыб. На рыбах личинки паразитируют несколько месяцев, затем они отпадают, падают на дно и превращаются во взрослых моллюсков. Две крупные беззубки были обнаружены автором в заводи р. Карадарья (Андижанский район, Узбекистан).

Многие моллюски — фильтраторы, они участвуют в разрушении органических веществ и в биологической очистке воды, тем самым принося пользу.

Одним из важных факторов повышения продуктивности животноводства — это борьба с паразитарными заболеваниями животных, как домашних, так и промысловых. Большую роль в наличии этих заболеваний играют гельминты и их промежуточные хозяева моллюски.

Известно, что различные виды моллюсков причиняют значительный вред, так как являются промежуточными хозяевами трематод и цестод, паразитирующих у домашних и полезных диких животных в том числе птиц, а также у человека.

В нашей стране большое значение придается выявлению и изучению моллюсков, являющихся промежуточными и резервуарными хозяевами гельминтов животных. Знание видового состава таких моллюсков является основой для организации и проведения профилактических мероприятий против гельминтов. В природных условиях Республики Узбекистан выявлены церкарии (метацеркарии) трематод, личинки нематод и др. [2].

Печально известный, довольно распространенный в мире, в том числе обитающий в Узбекистане, малый прудовик (*Limnaea truncatula*) — промежуточный хозяин паразитического червя печеночного сосальщика (*Fasciola hepatica*).

По сведениям многих авторов, в качестве примера жизненного цикла трематоды, относящейся к типу *Plathelminthes*, можно привести развитие печеночного сосальщика или печеночной двуустки. Жизненный цикл печеночной двуустки идет со сменой хозяев, одним из которых является малый прудовик.

Наземные моллюски, по мнению специалистов, играют важную роль для исследования ряда общебиологических проблем и познания истории формирования фауны Средней Азии. Они выполняют большую роль в формировании почвенных биоценозов.

Для многих видов беспозвоночных и позвоночных животных моллюски пищевой объект. Широко известна также значительная роль, которую играют раковины моллюсков при биостратиграфическом расчленении осадочных толщ, что является необходимым

элементом разведки полезных ископаемых.

Хозяйственное значение наземных моллюсков заключается в том, что ряд видов — промежуточные хозяева гельминтов и серьёзные вредители сельскохозяйственных культур [3]. В заключении можно отметить, что синтез фундаментальных и прикладных наук способствует развитию науки малакологии и укрепляет её позиции на уровне современных достижений народного хозяйства.

Разнообразие климатических условий, естественноисторических зон возделывания культурных растений, биотопов, сельскохозяйственных, сорных и диких растений обеспечивает видовое многообразие моллюсков. Для борьбы со слизнями и вредными улитками рекомендуется применение различных методов [8]:

- агротехнического метода, который направлен на создание лучших условий для развития культурных растений, повышение их устойчивости к воздействию вредных организмов. К таким приёмам относится обработка почвы, подготовка семенного и посадочного материала, применение удобрений, соблюдение сроков и способов посева, уборки и др.

- механического метода, который заключается в уничтожении вредителей с помощью ловчих канавок, колец, препяд, приманок или убежищ для моллюсков, с последующим их сбором.

- биологического, этот метод основан на использовании против вредителей их естественных врагов, а также бактериальных и грибных препаратов, вызывающие гибель вредного организма.

- очень важен карантинный метод, т.е. мероприятия, направленные на предупреждение завоза и распространения карантинных моллюсков, таких как виноградная улитка.

Использованная литература:

1. Алимухамедов С.Н., Успенский Ф.М., Адылов З.К. Справочник по хлопководству. – Изд. «Узбекистан». – Ташкент: – 1981. – С. 299.
2. Пазилов А., Азимов Д.А. Наземные моллюски (*Gastropoda, Pulmonata*) Узбекистана и сопредельных территорий. – Изд. «Фан». – Ташкент: - 2003. – 315 с.
3. Азимов Д.А., Акрамова Ф.Д., Холматов Б.Р., Шакарбоев Э.Б. Стратегия развития зоологической науки в Узбекистане // «Зоологическая наука Узбекистана: современные проблемы и перспективы развития». Материалы респ. науч.-практ. конф. (20-21 июнь). - Фан нашриёти давлат корхонаси. – Ташкент. – 2019. С. 5-7.
4. Шарова И.Х. Зоология беспозвоночных. – Изд. «Владос». - Москва: - 2002. – 592 с.
5. Абрикосов Г.Г., Беккер Э.Г., Бирштейн Я.А., Ланге А.Б., Левинсон Л.Б., Матвеев Б.С., Матекин П.В., Махотин А.А., Парамонов А.А. Курс зоологии. – Том 1. – Изд. «Высшая школа». – Москва: - 1966. – 552 с.
6. Лукин Е.И. Зоология. – Изд. «Агропромиздат». – Москва: – 1989. – С. 223- 226.
7. Брем А.Э. Жизнь животных. Под ред. Л.А. Зенкевича. – Том. 1. – ГУП «Из-во Просвещения РСФСР». – Москва: - 1948. – С. 382- 556.
8. Кожевникова А.Г. Моллюски (*Mollusca*) – их особенности и значение в Узбекистане. Монография. – Изд. «FAN ZIYOSI». – Ташкент: – 2022. - 116 с.



САБЗАВОТ КҮЧАТЧИЛИГИ УСЛУБИ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ

Доимий ўсиш жойига кўчириб ўтқазишга мўлжалланган лекин, ҳосил берувчи органлари ҳали шаклланмаган ёш ниҳол кўчат деб аталади. Ўсимликларни кўчат орқали ўстиришнинг моҳияти, улар ҳаётининг биринчи бошланиш даврида озиқа ва намлик етарли бўлган кичик озиқланиш майдонда, сунъий иқлими шароитда ўсади, сўнг очиқ ёки ҳимояланган ер иншоотларига кўчириб ўтқазиб ўстиришдан иборат. Уни иссиқлик тартиботи бўйича очиқ далада етишириш имконияти бўлмаганлиги сабабли ҳимояланган ерда ўстирилади.

Очиқ ердаги сабзавот экинларининг ярмидан кўпи ва ҳимояланган ерда тахминан 90 фоизи кўчат билан экилади. Кўчат услугубини ўсиш даврининг охирида катта озиқланиш майдонини талаб қиласидиган ва зарурият бўлганда эрта маҳсулот олиш учун мўлжалланган экинларда қўллаш мақсадга мувофиқdir. Ҳозирги кунда очиқ ва ҳимояланган ер учун кўчатлар асосан иситиладиган плёнкали иссиқхоналарда, томорқа ва дала ҳовлиларида эса плёнкали иситиладиган кичик иссиқхоналарда, плёнкали парникларда етиширилади. Ҳимояланган ер учун қишки-баҳорги айланишда кўчатлар иситиладиган қишки ойнаванд ёки плёнкали иссиқхоналарнинг кўчат бўлимида етиширилади. Бошқа айланишлар учун кўчатлар маҳсус шу мақсад учун мосланган

иншоотларда етиширилади. Кўчат услуги одатдагича уруғларни тўғридан-тўғри ерга экишга нисбатан бир қатор афзалликларга эга. Кўчат одатда 30-80 кун мобайнида ўстирилади.

Ўсимлик ривожланишидаги эришилган илгарилаш эрта ҳосил олиш имконини беради. Эрта олинган ҳосилни юқори баҳоларда сотиш қўшимча даромад олишни таъминлайди. Илгарилаш туфайли кўчат услуги ўсиш даврини чўзиш имконини беради. Бу ўсимлик ҳосилдорлигини оширади ва ўсиш даври узоқ давом этадиган, аммо иссиқлик етишмайдиган ҳамда уруғдан экилганда ҳосилни тўлиқ тўплай олишга шароит бўлмайдиган шимолий минтақаларда иссиқсевар экинларни етиширишга ва у ердаги сабзавотлар турини бойитишга имкон яратади. Кўчат услуги ўсимлик ҳаётининг бошларида ерга бўлган эҳтиёжини камайтиради. Ўсимликларни озиқа, намлик, иссиқлик, ёруғлик ва бошқа омиллар билан яхшироқ таъминлаш, ҳали заиф ниҳолларни зараркунандалар, касалликлар, бегона ўтлардан яхшироқ ҳимоя қилиш, уларга қарши курашда меҳнат сарфини камайтишига имкон бўлади. Кўчат услугуда уруғ сарфи доимий жойга экилганига кўра 3-7 марта камаяди.

Ҳимояланган ер шароитида ўсимликларни кўчат орқали етишириш маҳсулот чиқиш даврини узайтириб, сунъий ёритиш манбаларидан иқтисодий томондан самарали фойдаланишга имконият яратади.

Таннархининг юқорилигига қарамай кўчат услуги иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайди ва у сабзавотчиликда кенг миқёсда қўлланилади ва айрим ҳолларда кўчatsиз сабзавотларни етишириш мумкин эмас. Кўчат етиширишнинг усуслари ва техникаси, кўчатидан ёки кўchatsiz ўстириш услугларини ақлий равишда тўғри танлаш сабзавотчилик иқтисоди учун муҳим аҳамиятга эга.

КЎЧАТ ЕТИШИРИШ ШАРОИТИ. Муҳит шароитларини ҳисобга олмай сабзавот кўчатларини етишириш технологиясини тўғри олиб бориш ва қониқарли ҳосил олиш мумкин эмас. Кўчат ўстириладиган иншоотларда ўсимликларнинг хусусиятлари, ёши, нави ва ўстириш мақсадларини ҳамда мавжуд иқлим шароитларни ҳисобга олган ҳолда сунъий микроиқлим ва мақбул тупроқ муҳитини яратиш имкони мавжуд. (12, 100 китоб тўплами) Микроиқлим – бу ҳар қайси экин ўстириладиган иншоотларда ҳаво ва илдиз жойлашган муҳитдаги барча физик ўлчам (параметр)лардир.

Иситиш тупроқ ва ҳавони намлаш, шамоллатиш, газлаш, электр ёруғлик бериш тизимлари билан жиҳозланган замонавий иссиқхоналарда ўсимлик талабларини ҳисобга олиб, амалда сунъий иқлимни яратиш мумкин. Парникларда ва иситилмайдиган иншоотларда микроиқлимни созлашга эришиш камроқ даражададир. Бу иншоотларда микроиқлим кўпинча ташқи муҳитга боғлиқ. Кўчат ўстириладиган иншоотларда мақбул ҳарорат, сув ва ҳаво тартиботларини сунъий яратиш мумкин. Ёруғликни ҳозирча табиий қуёш радиацияси ҳисобига таъминлаш самарали ва фақат айрим вақтларда электр ёриткичлардан фойдаланилади. Қуёш радиацияси – иқлимни яратувчи асосий жараён бўлиб, мавжуд жойда ҳимояланган ер иншоотларининг тури ва хиллари, танланадиган экинлар ва уларни етишириш муддатларини белгилаб берувчи

асосий омил ҳисобланади.

Ўзбекистонда баҳор охирида қуёш ёруғлигининг жуда ошиб кетиши кузатилади. Бу қизиб кетишини бартараф этишнинг бирдан-бир йўли хонанинг ичига кирадиган радиация, ёруғликни салқинлашдир. Салқинлаш икки усуlda бажарилади: 1) иншоотларни ёруғлик ўтказувчан юзини бўяш ёки унинг устидан оқ рангли суюқлик ва сув билан пуркаш; 2) ёруғлик ўтказувчан қоплагич материалларга ўхшаш турли салқинловчи тўр, парда, экранларни қўллаш.

Салқинлатувчи ва соялатувчи парда ва экранлар. Салқинлатувчи экран, тўр ва пардалар кўпчилик иссиқхоналарда ҳашаротлар киришига тўсқинлик қиласи, кундузи нурланиш жадаллигини камайтиради ва тунги вақтда иссиқлик энергиясининг нобудгарчилигига тўсқинлик қиласи. Бундай тўрлардан кичикроқ иссиқхоналарни оддий усуlda қоплашда фойдаланса бўлади. Аммо уларни иссиқхона ичида жойлаштириб, ўсимликлар устидан тортиш ва зарур бўлганда олиб ташлаш яхшироқ. Иссикхоналарда кўчатларни кўпроқ ёмғирлатиб суғориш усули кенг тарқалган. Бунда барг таркибида намлик (сув) кўпаяди ва парланиш камаяди. Ёмғирлатиб суғориш барг ҳароратини пасайтириб, ўсимликни қизиб кетишдан сақлади. Ёмғирлатиб суғориш автоматлаштирилган тизим ёрдамида амалга оширилади. Кўчатларни ёмғирлатиб суғориш мосламаси, ўсимликларни озиқлантиришда, зааркунанда ва касалликларга қарши эритмаларни пуркашда ҳам фойдаланилади. Кўчатларни суғоришда аҳоли томорқаларида кўчат етиширишда оддий шланг орқали суғориш тизими қўлланилади. Ўсимликларни суғориш меъёри ўсимлик тури ва ёшига, қуёш радиациясининг жадаллигига, тупроқнинг сув-физик хусусиятлари ва бошқа омилларга боғлиқдир.

Ўзбекистонда сабзавот кўчатларини



суғориш меъёри у даражада юқори бўлмай – 5-7 л/м² ни ташкил этади. Республикаизда ва чет элларда сўнгги йилларда томчилатиб суғориш усули кенг тарқалмоқда. Бунда сув ёки озуқали эритма насос ёрдамида тақсимлагичдан коллектор орқали тарқатувчи трубаларга, улардан эса ўсимликлар қаторлари орасидаги эгатлар устига ўрнатилган капилляр трубаларга юборилади. Томчилатиб суғориш тизими одатда ҳавони намга бойитувчи тизим билан қўшиб йифиласди.

Кўчатларни томчилатиб суғориш. Иssiқхонада томчилааб озиқлантириш тизими тегишли концентратланган озуқавий эритмани сифатли тайёрлаш ва тарқатувчи тармоқ орқали ҳар бир кўчатга меъёрида узатиб бериши таъминлади. Бунда сув, ўғит ва электр энергиясининг сарфи камаяди. Кўчатларни ёзги иссиқ муддатларда тайёрлаганда, суғориш лейкалар ва шланглар билан эрталаб ва кечки салқинда кўллатиб суғорилади. Кўчатларни озиқлантиришдаги шароит. Кўчатларга минерал моддалар жадал сингишига: ёруғлик, ҳарорат, ҳавонинг нисбий намлиги, илдиз жойлашган ерда ҳаво аэрацияси, тупроқ муҳити реакцияси, тупроқ эритмаси концентрацияси, тупроқдаги токсик (захарли) моддаларнинг мавжудлиги, илдиз тизимиning ривожланганлиги ва бошқа омилларнинг таъсир этишларини унутмаслик зарур.

Бодринг учун илдизи жойлашган муҳит ҳарорати +20+-25 °C, бошқа иссиқхона экинлари учун эса +17+20 °C бўлиши энг қулай хисобланади. Помидор ва бодринг илдиз тизими +10+12 °C да ишламайди ва ўсимликка озуқа элементлари етиб бормайди. Ҳавонинг нисбий намлиги ўсимликка кальцийнинг

сингиб киришига таъсир этади. Ўсимликлар томонидан азотнинг ўзлаштирилиши учун тупроқ муҳити реакцияси (рН) 5-6 ни (нитратли учун – 5 ва аммиакли учун – 7), 6,25-7 эса фосфорни, 6-8,5 калий ва олтингугуртни, 7-8,5 магний ва молибденни, 4,5-6 темир ва марганецни, 5-7 бор, мис ва рухни ўсимликлар яхши ўзлаштириши учун энг қулай муҳит ҳисобланади.

рН бодринг учун – 6-7, помидор учун – 5,5-6,5, пиёз учун – 6,5-7,5, салат учун – 6-7, сельдерей учун – 6,5-7, ровоч учун – 5,5-7, порей пиёзи учун – 6-7, гулкарам учун – 6,4-7, редиска учун – 6-7, исмалоқ учун – 6, баргли карам учун – 6-8, қовоқча учун эса – 6 га тенг бўлиши қулай (оптималь) деб қабул қилинган. (18 100 китоб тўплами) Кўчатнинг илдиз тизими қанчалик кучли ривожланган, у қанчалик катта ҳажмли тупроқ аралашмасини эгаллаган бўлса, ўсимлик шунча минерал озуқа элементлари билан яхши таъминланади ва ҳосилдорлиги юқори бўлади. У қалин гумус қатламли, сув ва ҳаво тартиботлари яхши бўлган тупроқларда яна ҳам яхшироқ ва бир текис ривожланади ҳамда ернинг чуқур қисмигача тарқалади.

Кўчат етиштириш усуллари. Кўчатлар илгари кўпинча биологик усулда иситиладиган парниклар ва кўчатхоналарда етиштирилган. Йирик иссиқхона комбинатларида ҳимояланган ерларнинг барча айланишлари учун кўчатлар маҳсус иссиқхоналарда ёки кўчат бўлимларида тўғридан-тўғри тупроқ устида (сўкчаксиз) етиштирилади, бу майдонни иқтисод қилиш ва механизациядан фойдаланиш имкониятини таъминлади.

Йирик сабзавотчилик хўжаликларида очиқ ерга кўчатларни тайёрлаш учун иссиқхона

(асосан плёнкали), плёнкали қурилма ва совуқ күчатхоналардан ташкил топган күчат-сабзавот комплекслари бунёд этилмоқда, у ерларда олдин очиқ ер учун күчат, сўнг сабзавотлар етиштирилади. Күчат икки хил услубда: кўчириб ўтқазиб ёки кўчириб ўтқазмай ўстирилади. Кўчириб ўтқазиш усули доимий жойига кўчириб ўтқазилганда илдизлар шикастланишга чидамли бўлган (карам, помидор, қалампир, оддий пиёз, порей пиёзи, салат) ўсимликлар учун қўлланилади. Майсаларни кўчириб ўтқазмасдан (пикировкасиз) күчатларни етиштириш услубини (бодринг, қовоқча, патиссон, қовун, тарвуз, бақлажон) ва кичик озиқланиш майдонида ўстириладиган (салат, пиёз каби) экинлар учун қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади. Кўчириб ўтқазиш услуби билан ўстиришда, уруғ қалин сепилади ва у униб чиққандан сўнг, 1-2 чинбарги ҳосил бўлганида озиқланиш майдони каттароқ бўлган, иншоот тупрофига ёки озуқали кубикларга ва тувакчаларга экиласди. Ёш майсани кўчириб ўтқазиш пикровка (сийраклаб кўчириб ўтқазиш), кўчириб ўтқазиладиган ёш ниҳол майса, уларнинг қалин экилган жойи эса майсазор дейилади. Майсалар ерга олдиндан тахтacha ёки қозиқча ёки тишли маркер билан белгилаб қўйилган эгатча ёки чуқурчаларга пикровка қилинади.

Кўчатни пикровка қилиш жараёни тартиби. Пикровка қилиб кўчат ўстирища меҳнат сарфи 1,2-1,5 марта ошади. Майсаларни пикровка қилишга тайёрлаш даврида иссиқхона майдонини тежашга (2-3 ҳафта), заиф ва касалланган ўсимликларни чиқитга чиқаришга ҳамда попук илдиз тизимининг ҳосил бўлишига имкон беради. Бу усул билан кўпинча эртачи экинларнинг кўчатлари етиштирилади.



УСТОЗ ОТАХОННИНГ ШУКРОНАСИ

Қаҳрамон оталаридан ўрнак ва намуна олиб, улар билан доимо фахрланиб яшайдиган халқ ҳеч қачон кам бўлмайди ва ўзининг эзгу мақсадларига албатта етади.

*Шавкат Мирзиёев,
Ўзбекистон Республикаси Президенти*



Суратда: ўзбек халқининг асл фарзанди, атоқли давлат ва жамоат арбоби, таниқли ёзувчи ва шоир, оташин публицист ва нотик, чорак аср республикамизга раҳбарлик қилган Ш.Р. Рашидов Тошкент вилояти ёшлар етакчиси бўлган О.У. Исҳоқовга нуфузли давлат мукофотини топширмоқда (1971 й.)

90 ёшга қараб кетаётган, “Меҳнат фахрийси” I даражали қўйкрак нишони соҳиби Омил Усмонович Исҳоқов, ўз вақтида ўрта мактабни битиргандан кейин, 1956 йилда Тошкент тўқимачилик институтига ўқишига киради ва уни 1961 йилда муваффақиятли тамомлагандан сўнг, 1961-1964 йилларда Тошкент тўқимачилик комбинати 3-йигирув фабрикаси мастери, таъмирлаш мастери лавозимларида ишлайди. Ёш фаол О.Исҳоқовни ижтимоий-сиёсий ишларга қизиқиши, ҳар бир ишга масъулият билан ёндашиши,

ташкилотчилик, етакчилик қобилиятини пайқаган раҳбарлар уни ёшлар ташкилоти ишларига жалб этишади. О.Исҳоқов Тошкент шаҳар ва вилоят комсомол комитетларида бир муддат йўриқчи бўлиб ишлагандан сўнг, уни 1965 йилда Тошкент шаҳар Октябрь (ҳозир Шайхонтохур) туман комсомол қўмитаси биринчи котиби этиб сайлашади. Кейинчалик, О. Исҳоқов Тошкент шаҳар комсомол комитети котиби, Ўзбекистон комсомол Марказий комитети бўлим мудирининг ўринbosари лавозимларида ишлайди.

Тақдир тақозоси билан, Тошкент вилояти партия комитети Енгил саноат ва озиқ-овқат бўлими мудири этиб тайинланади, кейинчалик, Коммунистик (ҳозир Юқоричирчиқ) тумани ижроқўми раиси этиб сайланади.



Суратда: О.У.Исҳоқовни дўстлари байрам билан қутлаш учун келишди

Шундан сўнг қаторийиллар давомида енгил саноат марказий конструкторлик идораси бош муҳандиси, Ўзбекистон озиқ-овқат вазирлиги кадрлар бошқармаси бошлиғи, коллегия аъзоси, Келес жунни қайта ишлаш фабрикаси директори, Бухоро тўқимачилик комбинати бош директори, енгил саноат вазирлиги тўқимачилик саноати бошқармасининг бош муҳандиси бўлиб ишлади. О.У.Исҳоқов шу соҳада ишлар экан республика бўйича янги цехлар, янги корхоналар ташкил этиш ишларида фаол иштирок этди...

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин, 1991 йилдан эътиборан, О.У. Исҳоқов Меҳнат вазирлиги услубий идораси директори лавозимига тайинланди...

Ватанимиз мустақиллигининг илк иyllарида бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида ишсизликни камайтириш муаммосини қандай ҳал қилиш масаласи кўндаланг қўйилган даврда мазкур масалани амалга ошириш тизимини, яъни мақсадли механизмини услубий томондан бевосита амалиётда асослаб бериш зарурлиги аён бўлиб қолди.

Ушбу тизимни Меҳнат вазирлигининг бевосита аҳоли билан ишловчи бўғини бўлган туман аҳолини иш билан таъминлаш бўлимлари (меҳнат биржалари) намунавий тузилмасини бирон-бир туманда амалда синаб кўриш ҳамда хукумат раҳбарияти маъқулласа, бутун мамлакат миқёсида татбиқ этиш режалаштирилди.

Эндиги масала ушбу масъулиятили тажрибани юқори савияда ҳар томонлама таҳдил қила оладиган туманин танлаш вазифасини ҳал қилиш зарурияти туғилди.

Шунда, тажрибани ўтказиш учун туманин танлаш масаласи ҳеч бир қийинчиликсиз тезда ҳал бўлди.

Ўша даврда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раисининг иқтисодиёт

ва ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари бўлиб ишлаган Бахтиёр Султонович Хамидов ва Меҳнат вазири Оқилжон Обидович Обидовларнинг ҳеч қандай муҳокама ва тортушувларсиз намунали “меҳнат биржаси”ни бир туманда, яъни Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманида очиш таклифлари бандликни таъминлаш бўйича мутахассислар томонидан мамнуният билан қабул қилинди.

Раҳбарлар томонидан нима учун айнан Мирзо Улуғбек тумани танлаб олинишига сабаб, меҳнат биржаси фаолиятини йўлга қўйиш учун бир қатор ташкилий ва услубий ишларни амалга ошириш учун туман ҳокимиятининг бевосита ҳам амалий, ҳам назарий ёрдамига зарурият талаб этиларди.

Мирзо Улуғбек тумани ҳокими эса ушбу талабларга тўлиқ жавоб берувчи ҳам назариячи, ҳам амалиётчи бўлган Ўзбекистон Олий Кенгашининг депутати, Олий Кенгаш Мандат комиссиясининг раиси, бугунги кунда Президентимиз Шавкат Мирмонович Мирзиёев эди.

Шундай қилиб, ватан равнақи ва инсонларнинг фаровон яшашлари учун меҳнат қилиш бош мақсади бўлган Мирзо Улуғбек туманининг ҳокими Ш.М.Мирзиёвнинг бевосита ҳамда билвосита ёрдамлари билан мамлакатимизда биринчи бўлиб бозор иқтисодиётининг талаб ва таклиф принципларига тўлиқ жавоб берадиган, аҳолини бевосита иш билан таъминлайдиган тизимнинг биринчи босқичи бўлган туман “меҳнат биржа”лари, яъни аҳолини иш билан таъминлаш бўлимларининг намунавий тузилмаси ташкил этилди.

Бунда Меҳнат вазирлигининг Омил Усмонович Исҳоқов бошлиқ бўлинмаси катта услубий кўмак берганлигининг таъкидлаш лозим.

Ушбу “меҳнат биржаси” тажрибасини ўрганиш учун мамлакатимизнинг барча вилоят

ва туманларидан аҳоли бандлиги билан шуғулланувчи мутахассислар ташриф буюриб бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки йилларида ўзлари учун илк сабоқларни олишларига имкон яратилди.

Шу билан бир қаторда, Ҳукумат раҳбариятининг Меҳнат вазирлиги олдига қўйган аҳолини иш билан таъминлашнинг бозор иқтисодиётининг талаб ва таклиф принципига асосланган мамлакат миқёсидаги ягона тизимини яратишлик бўйича берган топширифи Мирзо Улуғбек туманининг ўша вақтдаги ҳокими Ш.М.Мирзиёевнинг бевосита фаол ёрдами ҳамда қўллаб-қувватлашлари натижасида юқори савияда бажарилишига эришилди...

Меҳнат фаолиятлари ҳақида гапирап эканлар, отахон, айниқса, Тошкент вилояти ёшларига етакчилик қилган йилларни завқланиб эслайдилар...

Ўша вақтнинг таомили бўйича, 1968 йилда Омил Исҳоқов ўзбек халқининг асл фарзанди, атоқли давлат ва жамоат арбоби, таниқли ёзувчи ва шоир, оташин публицист ва нотик, ўша вақтда партия Марказий Комитети биринчи котиби Шароф Рашидович Рашидов сұхбатидан ўтди. Шундан буён чорак асрдан ортиқ вақт ўтган бўлишига қарамай, у кишининг тақдиршумул ўгитлари ҳали-ҳали Омил аканинг эсида туриб, ҳаёти йўлчи юлдузи вазифасини ўтаб келмоқда.

Бу лавозимда, юқори лавозимга кўтарилиган Ботир Содиқович Тошхўжаевдан кейин иш бошлар экан, О.Исҳоқов у кишини бир умрга устоз деб билди. Зеро, қатор йиллар, Ботир Тошхўжаевдан қўплаб раҳбарлик қилиш сир-асрорлари, ёшларга етакчилик тажрибасини олди. Биринчи котиб бўлиб ишлар экан, сафдошлари В.Ардатов, А.Хўжаев, М.Мирсагатова, А.Тўрахонов билан ишчан жамоа яратиб, қатор йиллар пойтахт ёшларига етакчилик қилди...



Суратда: О.У.Исҳоқов, меҳнат фахрийси Ф. А. Тоиров ва бошқалар билан маҳалла тадбирида иштирок этмоқда

Маълумки 15 йил давомида пойтахт Тошкент вилоятияга атоқли давлат ва жамоат арбоби Мирза Маҳмудович Мусахонов раҳбарлик қилган. Мирза Маҳмудович ҳам ўз вақтида Омил акага ўхшаб тўқимачилик институтини битирган, шу касбда маълум муддат ишлаганлиги учун улар ўратасида алоҳида илиқ муносабатлар йўлга қўйилган эди. Омил ака бу кишидан кўп нарсаларни ўрганди, ўзига меҳрибон устоз деб билди. М.Мусахоновда олинган сабоқлар О.Исҳоқовга турли лавозимларда фаолият юритганда ниҳоятда асқотди...

Тоталитар тузум - СССР пайтида, Ўзбекистондаги барча ташкилотлар ўша пайтдаги марказ - Москва олдида ҳисобдор бўлиб, Тошкент вилояти ёшлар ташкилоти ҳам бундан истисно эмас эди. 1971 йилда ВЛКСМ Марказий Комитетидан маҳсус комиссия келиб, Тошкент вилоят ёшлари билан олиб борилаётган ишларни текширди. Натижада Омил Исҳоқов 1971 йил 7 октябрь куни ВЛКСМ Марказий Комитети Котибиятида “Тошкент вилояти ёшлари ўртасидаги меҳнат интизоми аҳволи тўғрисида” ги масала бўйича ҳисбот берди.

Котибиятда пойтахт ёшларининг зарбдор меҳнати, маҳорати ва изланиши, ёш ишчиларнинг меҳнат самарадорлигини ошириш комплекс режалари, вилоят комитети ташаббуси билан иш вақтидан рационал фойдаланиш бўйича ўтказилган кўрик ҳақида сўз борди. Вилоят ёшларининг етакчиси О.Исҳоқов, Котибиятда муносиб даражада ҳисобот берди. Шу йил Омил Усмонович Ўзбекистон раҳбари Ш.Р.Рашидов қўлидан ўша даврнинг юксак мукофотларидан бирини олишга муюссар бўлди...

1973 йилда О. Исҳоқов раҳбарлигида Тошкент вилояти барча туман ва шаҳарларида “Биз байналминалчи-ватанпарвармиз” номли ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Якунловчи тадбир Олмалиқ шаҳар стадионида бўлиб ўтди. Фестиваль юртимиз бўйича катта акс-садо берди...

1973 йил Тошкент вилоят комсомол конференцияси бўлиб ўтди. Унда Шароф Рашидович Рашидов бошлиқ МК барча бюро аъзолари иштирок этишди. Шунда ўша пайтнинг таомили бўйича, СССРга раҳбар бўлган Л.И. Брежнев номига мактуб қабул қилинди. Конференциядан кейин, О.Исҳоқов, қўмитанинг мағкуравий ишлар бўйича мутасадди ходими бўлган менга “вилоят партия қўмитасидан билинг, мактуб Брежневга қандай жўнатилар экан”, деб топшириқ берди. Мен вилоят партия қўмитаси тарғибот ва ташвиқот бўлими мудири ўринбосари Алишев олдига

кириб хат юбориш йўлини сўрадим. У киши “Хат қабул қилинган бўлса, яхши. Юборишни ҳожати йўқ. Протоколга тикиб кўйинглар”деди. Бу гапни эшитиб мен лол қолдим: гулдурос қарсаклар билан қабул қилинган хат, шунчаки “хўжа кўрсинг” учун қабул қилинган иш экан. Ҳа, у вақтларда шундақа ишлар кўп бўлар эди...

О.У.Исҳоқовга икки асрда (XX асрда 65 йил ва XXI асрда ҳозиргача), икки ижтимоий-сиёсий тузум (социалистик ва демократик тузумлар) да яшаш насиб этди. У киши билан суҳбатлашар эканмиз, ҳаёти давомида юз берган қўплаб табиий, тарихий, ижтимоий-сиёсий воқеа ва ходисаларни эслайдилар...

Ўзбекистон ёшлари Париж Олимпиадасида юксак натижаларга эришганлиги ҳақида гаплашар эканмиз, Омил Усмонович ўз вақтида Ўзбекистонга раҳбар бўлган Шароф Рашидович Рашидовни эслайдилар. “У киши ёшларга ниҳоятда меҳрибон эдилар. Доим ёшларимиз билимли, соғлом, баҳтли бўлиб ўсиши устида қайғурур эдилар. Афсуски, Шароф Рашидовичнинг ғамхўрлиги собиқ СССР маркази – Москва берадиган имкониятлар билан чекланган эди. Мана энди мамлакатимиз мустақил бўлди. Ҳамма масалалар ўзимизда ҳал бўлаётир. Мен ёшларнинг барча ютуқларини, барчасоҳалардаги ислоҳотлар самарадорлигини мустақиллигимиз, Президентимиз Шавкат Миронович Мирзиёев ғамхўрлиги, доно раҳбарлиги натижаси деб биламан”, – дейди оқсоқол...

Носир Тоиров,

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси,
I даражали “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишони соҳиби

ШАРОФ РАШИДОВНИНГ МУНОСИБ ШОГИРДИ

Ёшлигимиз пайтлари – ўтган асрнинг 60-70 йиллари биз «ойнайи жаҳон»да тез-тез халқаро шарҳловчи Собир Қурбоновнинг эшиттиришларини кўриб, тинглар эдик.



СОБИР ШЕРАЛИЕВИЧ ҚУРБОНОВ

Кўриб бўлиб, энди қачон чиқар эканлар деб, кейинги, телевизор орқали бўладиган сұхбатларини кутар эдик. Вақти келиб, бизга тақдир тақозоси билан Собир Шералиевич раҳбарлигида, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашидаги, у киши мудирлик қилган Мафкуравий масалалар бўйича бўлимда ишлаш насиб этди.



Суратда: Ўзбекистон ХДП МК раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари Улуғбек Иноятов I даражали “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишони соҳиби Собир Қурбоновга Фахрий Ёрлиқ топширмоқда

Бугунги кунга келиб, устоз Собир Шералиевич табаррук 90 ёшни нишонлаш арафасида турибдилар. Бу ўз-ўзидан у кишининг ҳаёт йўлига назар ташлашни тақозо этади...

Шуни қайд этиш керакки, Собир Қурбонов Бухородаги Максим Горький номидаги ўрта мактабни 1953 йилда олтин медаль билан тугатиб, Ломоносов номидаги Москва Давлат университетининг тарих факультетига кириб, уни 1958 йилда муваффақият билан тамомлайди. Собир Қурбоновни Бухоро Давлат

педагогика институти кулоч очиб кутиб олади ва шу ерда ўқитувчиликдан, у кишининг самарали меҳнат фаолияти бошланади.

Вақти келиб С.Қурбонов тарих фанлари номзоди даражасига эга бўлади, доцент унвонига сазовор бўлади. У киши қатор йиллар, академик Ўрозбоев ректор бўлган, Ўрта Осиё политехника институтида (ҳозир Ислом Каримов номидаги Тошкент Давлат Техника Университети) тарихдан дарс беради, кейинчалик Ўзкомпартия Марказий Кенгашида Лекторлар групхи раҳбари, Хоразм вилоят партия қўмитасида мафкуравий ишлар бўйича котиб, Ўзбекистон Матбуот қўмитасига раислик қиласидар, Ўзбекистон журналистлар уюшмасига раҳбарлик қиласидар, Ўзбекистон радио ва телевидениесида шарҳловчи бўлиб ишлайдилар, яна партия Марказий Қўмитасига қайтиб келиб, мафкуравий ишлар бўлими мудирига ўринбосарлик қиласидар.



Суратда: С.Ш.Қурбонов Ўзбекистон ХДП навбатдаги қурултойида иштирок этмоқда

Биз у киши билан сұхбатлашар эканмиз, хаёлларига кўплаб унутилмас воқеалар келади...

Ўзбек халқининг асл фарзанди, чорак аср Республикага раҳбар бўлган атоқли давлат ва жамоат арбоби, таниқли ёзувчи ва шоир, оташин публицист ва нотик Шароф Рашидов бевосита раҳбарлигида ишлаганлари ҳақида гапирадилар...

Партия Марказий Қўмитасига ишга ўтишдан аввал, 1968 йилда Шароф Рашидов қабулида бўлганларини ҳаяжон билан эслар эканлар, Собир Шералиевич шундай ҳикоя қиласидар:

«Бу учрашув менинг бундан буёнги бутун ҳаётимда тақдиршумул аҳамиятга эга бўлди... Биринчи котибнинг кабинети олтинчи қаватда экан. Бизни ичкарига таклиф этишди. Хона анча катта ва ёруғ бўлиб, ўнг томонда, деразага яқин жойда узун стол қўйилган. Столнинг бош қисмида қўйилган курсида биринчи котиб, у кишидан чапда мафкуравий ишлар бўйича котиб ўтирибдилар. Шароф Рашидович ўрнидан туриб, ҳар биримиз билан қўл бериб кўришгандан кейин, ҳаммани ўтиришга таклиф этди. Мен Ш.Рашидовни умримда иккинчи марта қўришим эди: биринчи марта Москва Давлат университетида Индонезия президенти А.Сукарнога ҳамроҳ бўлиб келганида узоқдан кўрган эдим. Мана энди уларнинг ишхонасида ўтириб, сўзларини тинглаяпман:

– Биз сизларнинг ҳужжатларингиз, иш фаолиятингиз ҳақидаги маълумотномалар, билдирилган фикрлар билан танишиб чиқдик,
– деди Шароф Рашидович рус тилида, чунки орамизда руслар ҳам бор эди.

Биз билан ишлашга рози экансизлар, яхши. Марказқўм котиби ва бўлим мудири вазифаларни тушунтирибдилар. Сизларга катта ишонч билдириляпти. Марказқўм ходими деган юксак ишончни иш билан, намунали юриш-туришингиз билан оқлайсизлар, деган умиддамиз. МКда кўпдан бери хизмат қилаётган ходимлар тажрибасини ўрганишга, одамлар билан яхши муомала қилишга, камтар бўлишга, кибрдан сақланишга ҳаракат қилинг. Марказқўм – катта мактаб, унда ўзини яхши кўрсатганларни биз мустақил ишга юборамиз. Марказқўм Бюроси тасдиқлагандан кейин иш бошлайсизлар.

Шароф Рашидовичнинг бу гапларини

мен биринчи раҳбарнинг янги ходимларга йўл-йўриқ кўрсатишигина эмас, балки кўпни кўрган устознинг ёш шогирдларга ўғити, деб қабул қилдим. Айтишим керакки, Шароф ака ўрникелганда (масъул ходимлар билан яккамаякка сұхбатлар, аппарат ходимлари йиғилишларида) раҳбарларни камтар бўлишга, одамлар билан яхши муомала қилишга, кибр-ҳаводан сақланишга, билдирилган катта ишончни меҳнат билан оқлашга ҳамиша даъват этарди. Устознинг ўғитларига амал қилган МК ходимлари икки-уч йил ёки ундан кўпроқ вақт ичида яхши ишлаб, тажриба орттирганларидан кейин республика миқёсидаги ёхуд минтақалардаги раҳбарлик лавозимларига юборилар, бизнинг бўлимимиз ходимлари ҳам бундан истисно эмасди»...

Халқимиз мустақилликни қўлга киритгач, Компартия тугатилади ва янги партия - Ўзбекистон Халқ демократик партиясини ташкил этиш бўйича қизғин ишлар бошланади. Ташкилий қўмита ва комиссиялар тузилиб, улар бўлажак партияга аъзо бўлмоқчи бўлган кишиларни аниқлаш, партиянинг низоми ва дастури лойиҳаларини ишлаб чиқиш, таъсис қурултойини тайёрлаш ишларини олиб бордилар. Бу саъй-ҳаракатлар 1991 йил 1 ноябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган I қурултойда Ўзбекистон Халқ демократик партиясини таъсис этиш билан якунланди.

Собир Шералиевич янги партия дастури, Уставини яратиш ишларига жалб қилинади ва партиянинг биринчи қурултойини тайёрлаш ишларида фаол иштирок этади. Вақти келиб, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 10 йиллига, мустақиллик тенгдоши бўлган навқирон партияга атаб, С.Ш.Курбоновнинг 2001 йили “Ўзбекистон Халқ демократик партияси (ташкил топиши ва фаолиятидан лавҳалар)” номли китоби босилиб чиқди.

Унинг бевосита иштирокида собиқ «Совет Ўзбекистони» газетаси «Ўзбекистон овози»

газетаси бўлиб, янги партиянинг нашрига айланади. Кейинчалик «Голос Узбекистана» газетаси ташкил этилади, «Мулоқот» журнали ҳам шу партиянинг нашрига айланади. Янги партия кадрларини турли шаклларда ўқувлари, семинарлари, тажриба алмашувлари йўлга қўйилади. Бу ишларнинг ҳаммасида С.Курбоновнинг катта ҳиссаси бор. Шунинг учун Собир Шералиевичнинг номи Ўзбекистон Халқ демократик партияси «Эҳтиром китоби» га киритилиши бежиз эмас...

Биз билан сұхбатда Собир Шералиевич, мустақиллик илк йилларини эслаб, шундай дедилар:

«Шуни қайд этиш керакки, ўша пайтлар ғанимлар ғаразли мақсадларда митинг ва норозиликлар уюштириш, матбуотда чиқишилари орқали республикамизда вазиятни қалқитишига ҳаракат қилдилар. Бунинг энг ёрқин мисоли 1992 йилнинг бошида Тошкентдаги талабалар шаҳарчасида юз берган воқеалар эди.

Ўша мураккаб дамларда республика раҳбарияти партия марказий органлари масъул ходимларини пойтахт олий ўқув юртларига юбориб, аҳволни жойида ўрганиш, ёшларга миллий мустақиллигимизнинг мазмун-моҳияти, суверен Ўзбекистоннинг истиқболлари, бу ишларда ёшларнинг ўрни, ғанимларимизни ғаразли мақсадлари ва ноқонуний хатти-ҳаракатларини тушунтириб беришни топширди. Мен “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти (ҳозир “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети) бордим. Кун охирлаётган вақтда институт ректоратида бўлиб мақсадни тушунтирдим. Ётоқхоналарга бориб, талабалар билан учрашиш истагим борлигини эшитиб, ўша пайтдаги олийгоҳ раҳбарларидан бири бўлган, ёшларга хос

ғайратли ва ҳаракатчан Шавкат Миромонович Мирзиёев билан бирга талабалар яшайдиган ётоқхоналарни бирма-бир айланиб чиқдик. Ёшларда пойтахтдаги айрим олий ўқув юртлари талабаларининг хатти-ҳаракатларига хайриҳоҳлик сезилмади. Таширифим ниҳоясида Ш.М. Мирзиёев менга бундай деган эди: “Собир ака, раҳбарларга бориб айтинг: бизнинг институтимизда ҳеч қандай тартибсизликлар келибчиқмайди”. Дарҳақиқат, пойтахтимиздаги бу йирик олий ўқув юртида ўқув-тарбия ишларининг уйғун олиб борилиши туфайли ёшлар ўртасида тартибсизликлар келиб чиққани йўқ».

Бундан 33 йил олдин, 1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги эълон қилинди. Ўзимизга хос тараққиёт йўли танланиб, кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Президенти Ш.М. Мирзиёев раҳбарлигида Янги Ўзбекистон қурилмоқда ва у кишининг ташаббуси билан III Ренессанс асослари яратилмоқда. Булар ҳақида юбилияримиз ҳурсанд бўлиб, завқланиб сўз юритадилар...

Суҳбатимиз ниҳоясида, партиямиз

донишманд оқсоқоли Собир Шералиевич Курбонов шундай дедилар:

«Ортда қолган суронли йилларда кўплаб ажойиб инсонлар, давлат ва жамоат арбоблари, олимлар, адилар, санъаткорлар билан мулоқот қилиш, айримлари билан бирга ишлаш менга насиб этди. Билимдон, тажрибали, моҳир устозлар менга таълим бердилар, дўстларим инсон сифатида шаклланишимга ҳисса қўшдилар. Юзлаб меҳнаткаш, иймон-эътиқодли, фидойи сафдошлар билан турли жабҳаларда, шу жумладан сиёсий партиялар сафида ишладим, хизмат вазифаларимни бекаму кўст бажаришга астойдил ҳаракат қилдим.

Шоир Миртемир айтганидек, мен:
Ўзимга хиёнат қилдиму аксар,
Халқимга хиёнат ўйлаганим йўқ.

Ҳаётим, ярим асрдан ортиқроқ меҳнат фаолиятим, оиласам ҳақида ўйласам, мен бекорга яшамадим, дейишга ҳақлиман. Оллоҳ берган буюк неъмат - умрдан имконият борича фойдаланиб, ҳалол меҳнат билан топган ризқ-рўз, обрў-эътибор ва дўстлар учун Яратганга чексиз шукроналар айтаман».

Носир Тоиров,

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

ЖУРНАЛИМИЗ ФАОЛИ И ДАРАЖАЛИ “МЕҲНАТ ФАХРИЙСИ” КЎКРАК НИШОНИГА САЗОВОР БЎЛДИ



Суратда: Носир Тоиров устози – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Асил Рашидович Рашидов билан сұхбатда (2020 й.)

“Қибрай садоси” газетаси 91 йилдан бўён фаолият кўрсатмоқда. Бу давр мобайнида газета таҳририяти билан минглаб журналистлар ва ҳаваскор қаламкашлар ҳамкорлик қилишди. Уларнинг ичидаги Носир Тоировнинг ҳам ўз ўрни бор. Газета билан ҳамкорликни Н. Тоиров, кекса журналист Раҳим ота Убайдуллаев муҳаррирлик қилган пайтлар – 1958 йилда бошлаган...

Носир Тоиров каттаяйл босиб ўтди: Қибрай военкоматидан кузатилиб, узоқ Германияда артиллерист-аскар бўлиб уч йил хизмат қилди, олийгоҳ талабаси бўлди, нашриётда мусаҳҳих, мактабда ўқитувчи, маҳаллий, минтақавий ва республика ёшлар, жамоат ва давлат идораларида хизмат қилди. Қатор йиллар

давомида Қибрай туманида ижроқўм раиси ўринbosари, халқ назорати қўмитаси раиси вазифаларини бажарди, Тошкент вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси бошлигининг ўринbosари лавозимида фаолият кўрсатди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси сафларида фаол иш олиб борди. Партия Марказий Кенгаши аъзоси этиб сайланди, унинг номи партия “Эҳтиром” китобидан ўрин олди. Лекин қаерда ишлашидан, қандай лавозимда бўлишидан қатъий назар, Н. Тоиров ўз жонажон туман газетаси билан алоқани узмади. Йиллар ўтиб, унинг қизиқишилари, журналистик фаолияти доираси, публицистик асарлар мавзуси қўпайди. Унинг мақолалари “Халқ сўзи”, “Народное слово”, “Ўзбекистон овози”, “Голос Узбекистана”, “Правда Востока”, “Ишонч”, “Доверие”, “Қишлоқ ҳаёти”, “Жамият”, “Тошкент ҳақиқати”, “Ташкентская правда”, “Тошкент оқшоми”, “Вечерний Ташкент”, “Оила даврасида” газеталари, “Мулоқот”, “Хумо”, “Жаноб” “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги”, “АгробизнесИнформ” журнали ва бошқа нашрларда чоп этила бошлади. Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси Н. Тоиров ҳеч қачон ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий-маданий ҳаётда кузатувчи эмас, балки фаол иштирокчи бўлиб келган ва ўқигувчилар билан энг долзарб, муҳим, аҳамиятли масалалар тўғрисида сўз юритади.

У айни пайтда, Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-кувватлаш “Нуроний” жамғармаси республика, Тошкент вилояти ва Қибрай туман ташкилотлари ишида фаол иштирок этиб келмоқда.



Суратда: Носир Таиров (дўппида) “Қибрай садоси” газетаси ижодий жамоаси ва фаоллари билан

Хозирги замон ахборот-коммуникация технологиялари, айниқса интернет ривожланиши билан Н. Тоировнинг ўқувчилар аудиторияси анча кенгайди. Чунончи, “Новости Узбекистана” газетаси сайтида Н.Тоиров томонидан XX аср атоқли давлат ва жамоат арбоби, таниқли ёзувчи ва шоир, оташин публицист ва нотик, Ўзбекистонга чорак аср раҳбарлик қилган Ш.Р.Рашидов, бошқа давлат арбоблари, қатор шоир ва ёзувчилар ҳақида материаллар жойлаштириди. Шуниси эътиборга лойиқки, Н.Тоиров у ёки бу шахс ҳақида ёзар экан, кўплари билан учрашган, суҳбатлашган бўлади...

Куни-кеча, оммавий ахборот воситаларида, Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси Васийлик Кенгашининг “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишони билан тақдирлаш тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. Унга мувофиқ, мамлакатимизнинг иқтисодиёт, ишлаб

чиқариш, илм-фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, юриспруденция ва бошқа соҳаларида кўп йиллар давомида ҳалол ва самарали меҳнат қилган нафақа ёшидаги юртдошларимизни, шунингдек, етарлича иш стажи бўлмаса-да, ҳаётини оиласлар мустаҳкамлигини сақлаш, фарзандларимизни жамият олдида масъулият, миллий ва умуминсоний қадриятларга, катталарга ва ёш авлод вакилларига ҳурмат, она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишларига бағишлаган жамиятдаги фаол инсонларнинг бир гуруҳи “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишони билан тақдирланган.

И даражали «Меҳнат фахрийси» кўкрак нишони билан тақдирланганлар орасида Қибрай туманидан “АгроБизнесИнформ” журнали фаоли Носир Тоиров ҳам борлиги қувончлидир. Биз у кишини юксак мукофот билан табриклаймиз ва ижтимоий-сиёсий фаолиятларида янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз!

Сайфулла Темиров,

**Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш
“Нуроний” жамғармаси Қибрай тумани бўлими раиси.**

ЖИЗНЬ, ПОСВЯЩЁННАЯ НАУКЕ

Вам, несомненно, близки и понятны слова великого мыслителя Махмуда Кашгари, в которых заложена глубокая мудрость: “Труд ученого тверже камня”, ведь люди науки ведут свои изыскания, стойко преодолевая трудности, и живут, озаряя мир светом знаний. Мы видим в Вас именно таких самоотверженных людей, кропотливо, по крупицам собирающих знания, создающих новые исследования и разработки, приумножающих научно-интеллектуальный потенциал Нового Узбекистана.

Ш. М. Мирзиёев,

Президент Республики Узбекистан

(из Поздравления по случаю 80-летия со дня образования Академии наук Узбекистана)



Как известно, в целях определения приоритетных направлений развития биотехнологий и совершенствования системы обеспечения биологической безопасности страны, обеспечения интеграции науки, образования и производства в данных сферах, развития экономики и социальной сферы на основе передовых биотехнологий, было принято Постановление Президента Республики Узбекистан «О комплексных мерах по развитию биотехнологий и совершенствованию системы обеспечения биологической безопасности страны».

В выполнении соответствующих задач, большая роль принадлежит Научно-исследовательскому институту генетических ресурсов растений, функционирующему в Киргайском районе Ташкентской области. Институту присвоен статус «Национального Генбанка генетических ресурсов сельскохозяйственных культур». Научно-исследовательский институт генетических ресурсов растений является единственной научной организацией в Центральной Азии, где хранится огромное количество коллекции сельскохозяйственных культур всего мира.

В этом же районе работает Институт генетики и экспериментальной биологии растений Академии наук Узбекистана, который занимается изучением разнообразия генофонда мировой коллекции сельскохозяйственных культур, приспособленности к местным условиям, выделением из них устойчивых к биотическим и абиотическим факторам среды, разработкой и внедрением в производство ресурсосберегающих агротехнологий возделывания культур.

Президент Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёев соответствующие вопросы постоянно держит в центре внимания...

Отрадно отметить, что в эти дни общественность Узбекистана отмечает 75-летие нашего соотечественника, крупного учёного в вопросах этого направления Хакима Исламовича Истамова - доктора биологических наук, заместителя директора химического института экологической иммунно-генетики и медицины Российской Федерации, профессора ...

Он учился в средней школе № 43 города Самарканда, когда в 1962 году в газете «Пионерская правда» прочел статью об отце советской генетики Н.

П. Дубинине. Из нее он узнал, что бывший детдомовец Николай Петрович в 25 лет стал лауреатом международной Рокфеллеровской премии за открытие «Эффекта положения гена», названного впоследствии «Эффект Дубинина».

Газета переходила из рук в руки и вызвала большой резонанс среди школьников и педагогов. Ведь не каждому дано в 25 лет стать знаменитым не только в своей стране, но и в Америке! Учительница биологии, классный руководитель Х. Истамова Валентина Павловна Крайнова, узнав интерес своих учеников, сказала, что жизнь каждого человека лишь тогда полна, когда он стремится к чему-то высокому, что его лично воодушевляет.

В 1966 году Хаким Истамов, окончив школу, по совету учителя поступил на факультет биологии Самаркандского государственного университета. Учился настойчиво, а на каникулах со своим наставником, профессором Н. Амирхановым и ветераном войны Маматкулом Икрамовым ездил в научные экспедиции по Зерафшанскому хребту, в том числе изучая флору и фауну в горах Агалыка. Приспособливаясь к различным условиям, он постепенно на своем опыте постигал положительное и отрицательное воздействие компонентов окружающей среды. Будучи пятикурсником, узнал о вредном влиянии дефолиантов на все живое, включая организм человека...

Тогда студентов, в который раз отправили на сбор хлопка в Иштыханский район. К великому удивлению сборщиков «белого золота», над ними летали «кукурузники», которые распыляли дефолианты прямо на головы сельчан, сборщиков хлопка. При этом руководители района и колхозов убеждали всех, что химикаты совершенно безвредны для человека.

Ярым противником этого мнения стал Хаким Истамов, который как раз в своей дипломной работе и в последующих работах убедительно доказывал, что самым ядовитым для живого организма является широко применяемый бутифос. Поэтому альтернативные химические методы подготовки полей к машинному сбору хлопка следует применять наземными механизмами, а не авиацией. При написании дипломной работы у него были руководители - известные ученые в научном мире - Н. Дубинин и А. Эргашев, аспирант и будущий руководитель программы «Охрана окружающей среды» в Узбекистане.



На снимке: академик Н.Дубинин и его ученик - доктор биологических наук, профессор Х.Истамов (1997 г.)

Очень проницательный и дальновидный Николай Петрович Дубинин посоветовал своему ученику подготовить статью по теме дипломной работы и напечатать ее в журнале «Цитология и

генетика», который издавался в Киеве. Москва и Ташкент категорически были против, ведь это могло повлиять на производство хлопка-сырца. Редактор журнала академик Шкваршиков дал «добро», затем эту статью перепечатала зарубежная пресса, вызвав большой резонанс.

После успешного окончания высшего учебного заведения Хаким Истамов свою трудовую деятельность по распределению начал во Всесоюзном научно-исследовательском институте каракулеводства в Самарканде.

Отслужив в рядах Советской Армии и отработав в Институте Каракулеводства необходимые 3 года стажа для поступления в аспирантуру, Истамов Хаким уезжает в Москву. В аспирантуре в Москве под научным руководством академика Н. П. Дубинина и его супруги цитогенетика, кандидата биологических наук Лидии Георгиевны продолжил исследования о влиянии четырех ядохимикатов на живой организм, начатые при написании дипломной работы.

Хаким Истамов научно обосновывал, что отдельные дефолианты способствуют возникновению болезней у человека даже при однократном их воздействии, влияют пагубно на наследственность. Кроме того, этими исследованиями установлено, что малые дозы этих препаратов при многократных воздействиях на живую клетку оказывают более пагубное влияние, чем при однократном воздействии. Факты, приведенные молодым ученым из Самарканда, были использованы Минздравом бывшего Союза и ООН при подготовке рекомендаций по запрещению применения бутифоса в сельском хозяйстве в 80-х годах прошлого века. С результатом своих исследований Х. Истамов выступал на международных симпозиумах, и его доклады вызывали живой интерес ученых.

Хаким Исламович, в беседе с нами тепло вспоминает своего наставника -

академика Дубинина Николая Петровича, Героя труда, Лауреата Ленинской премии и многих других престижных премий мира. Человека, воздвигнувшего себе при жизни 2 памятника: первый

«Новосибирский институт цитологии и генетики» и второй в Москве «Институт общей генетики». Вся научная деятельность Н.П. Дубинина тесно связана с Узбекистаном.



На снимке: профессор Х.И. Истамов постоянно в поиске, постоянно с книгами

Первое его знакомство с Узбекистаном состоялось во время экспедиции в 27 лет как руководителя отдела генетики Института экспериментальной биологии, директором которого являлся академик Н.К. Кольцов. Летом 1936 года возглавил экспедицию по сбору генетического материала в Среднюю Азию, Узбекистан, в частности в Самарканд, где удалось собрать огромный материал для генетических исследований популяции плодовых мушек-дрозофил.

Николай Петрович Дубинин, деятельность которого знаменует целую эпоху в развитии мировой и отечественной генетики, является ученым-энциклопедистом планетарного масштаба. Являясь примером выдающегося ученого, борца, стремящегося использовать все свои интеллектуальные возможности для защиты науки -генетики, особенно поучителен...

Надо отметить, что при поддержке Николая Дубинина в 1977 году в Узбекистане организовали институт генетики. В связи с этим замечательный сын узбекского народа, выдающийся государственный и общественный деятель, известный писатель и поэт, пламенный публицист и оратор Шараф Рашидович Рашидов, четверть века руководивший нашей республикой, лично пригласил на открытие института и встретился с Николаем Петровичем Дубининым и его учеником Хакимом Исламовичем Истамовым, пожелал им успехов...

Пожалуй, одной из самых ярких страниц биографии Хакима Исламовича стала его работа с другим знаменитым ученым - академиком Рэмом Викторовичем Петровым и его учеником, известным самаркандцем, академиком РАН Рахимом Мусаевичем Хайтовым.

В свое время Р. Хайтов окончил Самаркандский государственный медицинский институт им. И. П. Павлова, в 28 лет стал доктором наук, защитив диссертацию по проблемам, связанным с трансплантацией кроветворных тканей облученным реципиентами. В 1988 году Рахим Мусаевич возглавил Институт иммунологии бывшего Минздрава СССР.

Именно они - Н. Дубинин, Р. Петров, Р. Хайтов - оказали большую помощь молодому учёному Х.Истамову в организации лаборатории, а затем центра в институте Министерства химической и нефтеперерабатывающей промышленности, которой Хаким Исламович заведовал впоследствии.

Кстати, благодаря Рахиму Мусаевичу в стенах института иммунологии в Ташкенте

начали исследовать экологическую обстановку в Республике Узбекистан. Это способствовало разработке методов диагностики, профилактики, лечения и иммунной реабилитации лиц, страдающих различными иммунодефицитами.

- Чтобы народы могли развиваться, в основе их деятельности должна лежать идея сотрудничества, - считает Хаким Исламович.

- Лично мы поддерживали контакты со многими учеными стран СНГ, Германии, США, Франции, Италии, обмениваясь идеями и опытом. И, кстати, многие мои коллеги уже приезжали и приезжают в Узбекистан и помогают в организации совместной работы по снижению вредного воздействия загрязненной окружающей среды на генетическую иммунную систему человека.

В данное время под руководством Главы нашего государства строится Новый Узбекистан и создаются основы III Ренессанса. Узбекистан благодаря своей открытой и конструктивной политике становится крупным политическим, экономическим и культурным центром в регионе. Политика нынешнего руководства страны, направленная на обеспечение межнационального согласия и толерантности в обществе, способствует укреплению и развитию научно-образовательных связей.

Эту позицию активно разделяет и профессор Х. Истамов, который организовал специальный фонд «Наука, образование, культура». Задача фонда - объединить всех земляков, добившихся весомых успехов на научно-образовательной и культурной ниве за рубежом, чтобы они помогли Новому Узбекистану.

Носир Таиров, Зохир Хасанзода,
члены Союза журналистов Узбекистана.



ЮРТ АРДОҚЛАГАН АЁЛ

Тиниб тинчимас ижодкор, меҳнат қилиб чарчамайдиган Танзила опа Оллаберганованинг чинозликлар ҳурмат билан тилга оладилар.

Инсон ишлаган даврида одамлар билан хушмуомилада бўлиб, ўзишини сидқидилдан бажарса, мансаб пиллапояларидан кўтарилаверади. Одамлар ҳам ундан рози бўлиб, ҳамиша дуода бўлишади.



Танзила Оллаберганова асли хоразмдан Чинозга келин бўлиб тушган. Умр йўлдошлари Фарход ака (жойлари жаннатда бўлсин) билан олийгоҳда ўқиб юрган кезларида бир-бирларига кўнгил қўйишган. Оила қуриб 4 нафар фарзандларни вояга етказишиди. Фарход

ака тумандаги 1-сонли умумтаълим мактабида умрини охиригача ёшларга билим бердилар. Опа эса аввал «Сирдарё ҳақиқати» газетасида сўнгра Чиноз тумани партия комитетида фаолият олиб бориб, жуда ибратли ишларни амалга оширганлар.

Меҳнат фаолиятлари ҳақида сўзлаб берар эканлар, ишларини ниҳоятда жону диллари билан севиб, ардоқлаб, тўлқинланиб гапирадилар.

Опа билан дилдан кўп сухбатлашаман. Шундай сухбатларнинг бирида қийинчиликларни қандай енгиб ўтишларини сўрадим.

— Биласизми, ҳаёт бир текис кетмайди. Ҳар қайси даврда ҳам ўзига яраша яхши ёмон онлари, одамлари бўлади. Баъзан тушунмовчилик, баъзан атайин ноҳақликлар бўларкан. Ҳозир эслаш бироз кулгили туюлади.

Сухбатни тинглаб ўтириб хаёлга толдим. Опанинг дангаллиги, тўғрисўзлиги, ҳақиқатни юзига шартта айтишлари ўша пайтда кимларгадир ёқмаган. Бундай хислат ишини қойиллатиб қўядиган ва бирордан тили қисиқ бўлмаган одамда бўлади.

Ха, Танзила опа ҳақида жуда кўп ва хўп гапириш мумкин. Улар босиб ўтган ҳаёт йўлларини бир китоб қилса арзийди.



Мустақиллик йиллари арафасида ҳалқимиз ҳамжиҳат бўлиб ўтиш даврининг қийинчиликларини енгган. Ўшанда Танзила опа туман партия Кенгаши раиси муовини, 1992 йилдан то 1998 йилгача Чиноз тумани ҳокими муовини лавозимларида ишлаганлар. Ватан уруши қатнашчиларига, тумандаги тиббиёт, маориф, ижтимоий таъминот, маданият ва маърифат соҳаларини ривожлантиришга, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ва бошқа соҳаларни талабчанлик билан камчиликларини бартараф этишга эришган.

2001 йилда ўзлари яшайдиган “Тинчлик” (аввалги И. Шарипов) маҳалла фуқаролар йиғини раиси вазифасигабир овоздан сайланган Танзила опа маҳалланинг ободончилиги-ю оиласарнинг тинч-тотувлигини сақлашда самарали меҳнат қилдилар. Маҳалла ёшлари спортга жалб қилинди. Қисқаси раиса опадан одамлар мамнун бўлишиди.

— Маҳалламиз фуқароларининг бирортаси на туман, на вилоят идораларининг эшигини қоқмаган. Кимми нима масалада иши бўлса менга мурожаат қилишарди. Тегишли ташкилотлар билан ўзим гаплашиб ҳал қилардим. — дейди Танзила опа.

Ўйлаб қаралса бу ҳам яхши иш услуби. Фуқаро билиб билмай эшик санагунча, ҳар ҳолда раис қайси масалада ким билан гаплашиш кераклигини билади.

Устоз Танзила опа бу йил 85 баҳорни қарши олдилар. Уларга барчанинг хаваси келади. Сабаби ҳамон тетик, фикрлари теран, чинозликлар орасида катта ҳурмат-эътиборга эга инсон. Умрининг ярмидан кўпини ҳалқ хизматига, одамларнинг яхши яшашига бахшида этган бу аёлни чинозликлар эъзозлаб “Ўзимизнинг Танзила опа” дея ардоқлашади. Туманнинг катта-ю кичиги қаерда бўлмасин у кишига ҳурмат кўрсатишади. Инсонга бундан зиёда мукофот, олқиши бўлмаса керак. Одамлар қалбидан мустаҳкам ўрин олган Танзила опа ўтган йили «Мўтабар аёл» кўкрак нишони билан тақдирланган бўлса, ундан аввал 2020 йилда «Меҳнат фахрийси» кўкрак нишонини олганлар. Хавасимиз келадиган яна бир жихати опа шу ёшларида ҳам тиниб-тинчмайдилар, Туманда «оқила аёллар» ҳаракати аъзоси сифатида қўлдан келганча ёрдам берадилар ҳамда Тошкент шаҳрида хусусий корхонанинг малакали мутахассиси сифатида фаолият олиб борадилар.

Устозимизни бу ютуқлари билан самимий табриклаб, қаддингиз қадрингиз каби баланд бўлсин, дунёдаги жамики эзгу тилакларни Сизга тилаймиз устоз дегимиз келди.

Сурайё Аҳмедова

БОҒБОН

“Боғ нафақат табиат, балки жамиятнинг ҳам узвий бўлаги.”

Акмал Саидов, академик



МГИМО-Ташкент филиали жойлашган бино

Москва давлат халқаро муносабатлар институтининг Тошкент филиали (МГИМО-Ташкент) худудига киришингиз билан, ўзингизни сершовқин шаҳар ҳаётидан йироқлашганингизни ҳис қиласиз, чунки университетнинг боғбони, касбининг фидойиси Исматов Миразизбек Алишер ўғли томонидан бунёд этилган, ҳамда ҳар бир ниҳолга ўз

фарзандидек қараб, том маънода “Боғи-эрам” ландшафтини яратганига гувоҳ бўласиз.

Боғ ўз-ўзидан яшнаб кетмаслигини боғбонлар жуда яхши биладилар. Шунинг учун боғбон ҳозирги замон техникаларини ишлата олиши, экология ўзгаришига мос келувчи кимёвий воситалардан фойдалана билиши, бундан ташқари сув тежаш тизимларини

ҳам бир маромда ишлашини, сувни исроф бўлмаслиги учун созлаб туриши борасида чукур билим ва кўп йиллик тажрибаларга эга бўлиши зарур.



Ҳикоямиз қаҳрамони, боғбон Миразизбек Исматов

Қаҳрамонимиз Миразизбек ўз боғини фарзандидек қишининг қаҳратон совуғидан, ёзнинг эса жазирама иссиғидан омон-эсон олиб чиқиша эрта-ю кеч тинимсиз ҳаракатда. Миразизбекни иш қилиш жараёнини кузатсангиз бамисоли дараҳтлар, буталар билан сўзлашаётгандек туюлади. Умуман олганда, ҳақиқатда ҳам у ўзи экиб ўстирган ниҳоллар билан тиллашади, шунинг учун ҳам унинг боғи, атоқли шоиримиз Ҳамид Олимжон айтганлариdek: “Кўм-кўк, кўм-кўк, кўм-кўк...”

Миразизбек асли деҳқон ўғли, Тошкент вилоятининг Чиноз туманида 1993 йил фермер оиласида таваллуд топган, ўрта маҳсус билим юртини тугатиб, 2014 йилдан Тошкент шаҳар ободонлаштириш бошқармасида, 2018 йилдан Ўзбекистон Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетида, 2019 йилда Тошкент шаҳрида Москва Давлат халқаро муносабатлар институти (МГИМО-Ташкент)

нинг филиали очилганидан сўнг, ўзининг боғбончилик фаолиятини “МГИМО-Ташкент” университетининг Мирзо Улуғбек кўчасидаги ҳудудида кўтаринки руҳда, завқу-шафқ, фидокорона фаолият билан олиб бормоқда.


Қаҳрамонимиз табиатдан кам гап, бироқ ишини беками-қўст бажаради. Унинг ҳаётдаги шиори “Ҳар бир ҳаракатда мантиқ бўлиши шарт, мантиқсиз фаолият бу ҳалокатdir!”. Миразизбек билан қўл олишиб сўрашсангиз, кафти тўлиқ қадоқдан иборат, бу унинг фидойи меҳнат одами эканлигидан далолат. Шу ерда, таниқли миллиардер Генри Форднинг сабоғи ёдга келади. Миллиардер ўз корхонасининг ҳар бир ходими билан қўл-олишиб сўрашар, бунинг сабабини сўраганларга эса: “мен ҳар бир сўрашган ходимимнинг ишчанлигини қўлидаги қадоқларидан билиб оламан” – деб жавоб берган экан.



Миразизбек Ўзбекистон Марказий Банкининг меҳнат фахрийси, “МГИМО - Ташкент” мустақил тадқиқотчиси Фозилхон Тоиров билан

Боғбондан қандай истак-тилакларингиз бор деб сўрасак, у камтарона истак-тилаклар сероб, бироқ энг асосий истаги осмонимиз мусаффо, юртимизда тинчлик-хотиржамлик доимо ҳукум суришини айтади. Чунки тинчлик бўлсагина инсонларга боғ-роғлар, гўзал ландшафтларга эҳтиёж бўлади, яъни унинг касбига талаб бўлади, бунинг натижасида эса

ҳаёт ўз йўлида давом этади, меҳнати натижасида кекса ота-онасининг дуосини олади, жажи икки фарзандини камолатга етказади. Ҳикоямиз қаҳрамонининг истакларини тинглаб боғбонлик ҳам новвойлар, сартарошлар, ошпазлар, қолаверса ўқитувчилик касблари каби яхши истаклар, ниятлар замирига қурилганлигининг шоҳиди бўлдим.



МГИМО-Тошкент Университети талабарининг ота-оналари боғ манзарасида суратга тушишни хуш қўрадилар

Дунёга танилган инсон, Питер Друкер айтганидек “Ишсизлик жиддий руҳий бузилишларга иқтисодий етишмовчиликлар натижасида эмас, балки энг аввало инсоннинг ўз қадр-қимматини чилпарчин қилганлиги учун олиб келади. Иш – бу шахснинг ривожланиши, ютуқлари, ўз қадр-қиммати ва бойлигини хис қилиш имкониятидир”. Шу нуқтаи-назардан қаралганда, Миразизбек ўз иш фаолияти боғбонлиги билан университет жамоаси ҳамда талabalар орасида ҳурмат-эътиборда, жамиятда ўзининг мустаҳкам ўрнига эга шахс – “Замонамиз қаҳрамонлари”дан бири деб ҳисоблайман.

Ҳозирги даврда Тошкент шаҳрида, нафақат Тошкент шаҳрида балки бутун

Ўзбекистондаги ташкилотларнинг ҳар бирида ўз боғбони бор, яъни улар кўпчиликни ташкил этадилар ҳамда ҳар бир маъмурий ҳудудни ободонлаштирилишига ўзларининг беминнат ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Шунинг учун, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 16 августдаги ““Табиат уйғуналиги ҳимоячиси” ва “Энг тоза маҳалла” танловларини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори бўйича танловлар ўтказилаётганда, ҳудудларда жойлашган ташкилотларнинг боғбонларини ҳам ушбу танловларда иштирокини йўлга қўйиб, тақдирланишларини амалга оширилса, нур устига аъло нур бўларди деб ўйлайман.



МГИМО Ректори, Россия Фанлар Академиясининг академиги Торкунов Анатолий Васильевич Тошкентга келганида, сұхбатни университет боғи (кампуси)да давом эттиришни ёқтирадилар.

Мазкур ҳикоямизни тугатар эканмиз, севимли шоишимиз Ғулом Мирзонинг “Отамнинг боғи” деб номланган китоби кўз олдимизда намоён бўлади ҳамда шоир нақадар “боғ” атамасини улуғлашига тасаннолар айтгимиз келади. Бу дегани отадан икки боғ

қолганлиги, бири ҳақиқий боғ, иккинчиси ака-
укалар, опа-сингиллар, невараю-чеваралар,
яъни ватанига содиқ авлод қолдирилгани.

Ота номини боғ билан боғлаб уни
улуғлаш, бизнинг замонамиз қаҳрамони, боғбон
Миразизбек Исматов авлодларига ҳам насиб
этишлигини тилаб, шоир Ғулом Мирзонинг
“Отамнинг боғи” шеъри билан ҳикоямизни
мухтасар қиласиз:

“Демоқчими хайр, дарахтлар,
қўлларин силтаюр дарахтлар.
Ё осмоннинг мовий қаърига
бармоқларин чаюр дарахтлар.

Лайлаклардек битта оёғда
гоҳ тин олгай тайр – дарахтлар.
Тушларига, ухлаган чоғда,
киргай фақат сайд, дарахтлар.
Ўтсанг, олма отиб қолади –
Ҳам ғилмон, ҳам ғайир дарахтлар.
Баъзан ўйга ботиб қолади –
файласуфми, шоир дарахтлар?

Сен кетсанг ҳам, шу ерда ўсар –
оқибатли, чайир дарахтлар.
Лек, барибир, йўлингни тўсар –
демоқчими хайр, дарахтлар ...

Алишер Тоиров,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.



ТАН ИЧРА ЖОН БИТТА, ВАТАН БИТТАДИР!

Файрат Мажид

шоир, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Раисининг ўринбосари

ВАТАН БИТТАДИР

Бу ёруғ оламда Ватан биттадир.

Абдулла Орипов

Илиқ меҳр яшар дилда хайрият,
Шул меҳр юксакка, кўкка элтадир.
Кўнглимда осмондек тоза ҳуррият,
Тан ичра жон битта,
Ватан биттадир.

Ким шавқат қилибди, ошиқ кўнгилга,
Бор меҳрим, юрагим юртда, элдадир.
Гул менга сўзлади, мен эсам гулга,
Тан ичра жон битта,
Ватан биттадир.

Дараҳтлар шивири – ҳурлик садоси,
Борлиқнинг чиройи меҳнат, қуттадир.
Қалблар ибтидоси ва интиҳоси,
Тан ичра жон битта,
Ватан биттадир.

Рұҳ қуши куйламас ҳеч тил учидা,
Ҳақиқат қўлдамас, мудом дилдадир.
Муҳаббат ягона кўнгил ичида,

Тан ичра жон битта,
Ватан биттадир.

ВАТАН

Она, сен дилим сезган,
Меҳр жадвалин тузган,
Ҳозир тандирдан узган,
Кулчалар Ватан менга.

Синглим, дунё ғуборли,
Озор тўла бозорли,
Чаккангдаги ифорли
Гулчалар Ватан менга.

Ўғлим, чулдирап гўзал,
Той-той, пилдирап гўзал,
Юзим сийпалар гўзал –
Қўлчалар Ватан менга.

Қизим, юракни тўйсанак,
Қўшиқ бўлади бешак,
Кўзингда қўқдан юксак –
Дилчалар Ватан менга.

БОБОЛАР ЎГИТИ

Агар Ватан чорласа,
Юрма, боргин югириб,
Ёвлар қаршисиға чиқ,
Арслондайин ўкириб.
Орини асролмаган,
Асролмайди жонини,
Эгилиб жон бергунча,
Жонини ол суғуриб.

ИЗХОР

Кўнгилни тош айлар дарди беғамлик,
Фалакдан баланддир
Шу замин,
Шу ер.
Мингта достон битсам қиласи камлик,
Арзийди минг йиллаб йифлаб ёёсам шеър.

Тинмайди юрагим қўксимга уриб,
Лолалар бошида кўр алвон шонни.
“Ватан-ватан” дея жар солмай туриб,
Жимгина севаман Ўзбекистонни.

ВАТАН МАДҲИ

Кучоқлагим келади сени,
Ва сингдиргим келар бағримга.
Дунё, сенинг юрагинг бошқа,
Тушунмайсан менинг меҳримга.

Гули, дейман аланглар гулзор,
Жавоб бер, дил сўроқларига.
Мен дунёни кўмиб ташлайман,
Кўзларимнинг туфроқларига.

Туфроқларни ўпаман қониб,
Тепкилайман гоҳида – телба,
Сенсиз қалбим ғарибдан-ғариб,
Сувоқлари кўчган бир кулба.

Ўпгин, дейсан,
Қучоқла, дейсан!
Оҳ, қанчалар ҳаёт бу, эркам!
Буюк бўлсанг қанчалар
Шунча –
Қучоғим кичкина экан.

БИЗДАН ОБОД ВАТАН ҚОЛГАЙ

Ниҳол экиб, боғ этган эл,
Кўксин кериб, тоғ этган эл,
Қалбин доим соғ этган эл,
Уйғоқ кўнгил, иймон қолгай,
Биздан обод Ватан қолгай.

Нурга элтар пок тафаккур,
Ҳалол меҳнат бергай ҳузур,
Ҳар ўғлони Амир Темур,
Худо берган даврон қолгай,
Биздан обод Ватан қолгай.

Ҳақ қўлласа, кам бўлмагай,
Тинчлик бўлса, ғам бўлмагай,
Мард боши ҳеч хам бўлмагай,
Яхшидан боғ-бўстон қолгай,
Биздан обод Ватан қолгай.

Зўр паноҳим, отам Ватан,
Энг меҳрибон, онам Ватан,
Ёруғ эртам – болам Ватан,
Мусафро қалб – осмон қолгай,
Биздан обод Ватан қолгай.

Сен баҳтимсан, ягонамсан,
Пок қисматим – пешонамсан,
Дунёдан кенг кошонамсан,
Жаҳон ичра жаҳон қолгай,
Биздан обод Ватан қолгай.

Дастурхонда болу қаймоқ,
Тўйлар қиласар уруғ-аймоқ,
Савоб элу юртни сўймоқ,
Севган мангубомон қолгай,

Биздан обод Ватан қолгай.
Олисларга бўйла, одам,
Келажагинг ўйла, одам,
Ич-ичингдан куйла, одам,
Қўшиқ, шеъру достон қолгай,
Биздан обод Ватан қолгай.

ВАТАНГА КЕТАМИЗ...

Оҳ,
Қандай шириндир
Бу бўй, бу ифор,
Она, она тупроқ, онажон тупроқ.
Одамман дейишга қандай ҳаққим бор,
Сенда туриб,
Сендан яшабман йироқ.

Мана, Ҳумоюннинг мармар саройи,
Келиб кетаверар минглаб сайёҳлар.
Уларнинг дилимга йўқдир парвойи,
Недандир қўнглимда муқаддас оҳлар.

Мана икки ошиқ,
Кўз тушди ногоҳ,
Гўё туюб борар энг тоза баҳтни.
Асл ҳақиқатдан бўлмасдан огоҳ.
Суратга муҳрлаб борарлар вақтни.

Масрур бораётган,
Бу чол,
Бу кампир,
Дунёнинг ярмини кезган эҳтимол.

Саройда кимлар бор,
Кимлар бор, ахир.
Биламан,
Бехабар

Бу кампир,
Бу чол.

Эй, гўё ҳаётин кўмганлар болга,
Наҳот кўрмаяпсиз, мен ёндин, куйдим.
Йўқ, чидаб бўлмайди бундай аҳволга,
Шундоқ ёнингизда Мирзо Ҳумоюн.

Ошиб неча довон,
Кўп асрлардан,
Ўйламанг, Ҳинд сори шунчаки елдим.
Бу тош саройлардан,
Тош қасрлардан,
Сизни,
Сизни олиб кетгани келдим.
Туринг ўрнингиздан Мирзо Ҳумоюн,
Ватанга кетамиз, юртга кетамиз...



БУВИЖОНИМДАН МЕРОС ҚОЛГАН ХАЗИНАМ

Меҳнатни роҳат билгил

Менда дангасалик аломатларини кўрсалар бувижоним қўйидагиларни сўзлаб берар эдилар. “Мен сендан ҳам кичиклигимда ҳар куни бир неча чақиримдан сув олиб келардим. Қор ёғганда томга чиқиб қор курадим. Жуда кичкиналигимдан далагачиқиб кетмон чопдим. 12 ёшимда “хўжалик бошлиғи бўлганман. Хўжалик бошлиғи дегани, оилани боқувчиси дегани. Отам бетоблиги сабаб далага чиққанман. Ўзимга икки баробар келадиган кетмон билан ер чопардим. Кейинчалик, отам бўйимга мосини олиб берганлар. Кетмон чопишимга ҳамма лол бўларди. Бир куни колхоз мажлисида ҳамма қарсак чалса, мен ҳам уларга қўшилиб қарсак чалавердим. Билмабманки, бу қарсаклар менга бўлаётган экан. Қилган меҳнатимга олқишлианаётган эканман. Меҳнат қилсанг, мукофотини оласан” деб бувижоним меҳнатдан қочмасликни қон-қонимизга, онгимизга сингдирганлар.

Меҳмондўст бўл


Қадимгилар “меҳмон – атойи худо”, “меҳмон келар эшиқдан, ризқи келар тешикдан”

деб бекордан-бекорга айтмаганлар. Бувижоним уйга меҳмонлар келса қувонганларидан ичларига сиғмай кетардилар. Ҳамиша эшик қоқиб, меҳмон келиб қолишини инобатга олиб, икки дона ёпган нонни сақлаб турадилар. Хонадонимиздан одамнинг қадами узилмасди. Улар орасида қариндошлар, ҳамкаслар, қўшнилар, таниқли ижодкорларни учратиш мумкин эди. Ҳамид Олимжон ва Зулфияхонимнинг фарзанди Омон Олимжонов, шоира Шарифа Салимова, шоир Гулом Мирзо, таниқли журналист Чори Латипов, Файзулла Тожикулов, таниқли давлат ва жамоат арбоби Бўритош Шодиева, ҳуқуқшунос Гулчеҳра Жўраева каби ўз соҳасининг чин билимдонлари бувижонимнинг меҳмони бўлишган.

Нонни азиз бил

Болалигимда нон ушоғи ерга тўкилса парво қилмаганимда раҳматли бувижоним “Ушоқ ҳам нон, болам. Очарчилик йилларини кўрмагансан, тўкинчиликзамондаяшамоқдасан. Билиб қўй, очарчилик йиллари нон йўқлигидан одамларни картошка очлиқдан қутқариб қолган. Далаларда трактор картошкаларни йиғиб кетганидан сўнг, тупроққа беланиб


қолиб кетганини йиғиб олардик. Кartoшка нон ўрнида бўлган у замонлар.



Одамларнинг боласи осмонга қараб “Худойим, бир бурда нон бер” деб нола қилиб ётган вақтлар бўлган. Нонга минг мاشаққат билан навбатга турилган замонлар бўлган. Шу кунларга етказганига шукур. Бугун йўлингда нон, қўлингда нон” деб нонни ўпиб, пешонага қўярдилар, нон ушоғини битта қолдирмай териб олардилар ва мени ҳам шундай қилишга унданалар.

Китоб ўқиши кандо қилма

Ўйинга берилиб кетганимни кўрсалар “Отам кечалари шам ёруғида китоб ўқиб берардилар. Оддий китоб эмас - Қуръони Каримни. У вақтларда динга қаршилик кўрсатилганлиги учун ҳам кечаси ўқиб берар эдилар. Ҳаммамиз кеч бўлишини кутар эдик.



Кўп нарсани “Қуръони Каримдан” билиб олардик. Мустақил бўлмасимииздан олдин намоз ўқиш, Қуръон оятларини тиловат қилишга

кўрқар эдик. Халқимизнинг урф-одатлари, байрамлари ҳам таъқиқланган эди. Ҳатто сумалакни пиширишга ҳам йўл қўйилмаган. Агар мен сендек ёш бўлганимда вақтимни бекорчиликга сарф қилмай дарсларимни тайёрлар эдим” деб мени мактаб дарсларимни вақтида қилишга унданалар. “Ўқи, ўқи ва яна ўқи” сўзлари бувижонимнинг ҳаётдаги шиорлари эди.

Кўз нурингни асрар

Ойнайижаҳондан кўзимизни ололмаган вақтларда бувижоним “Кўзни асрарлар, бу кўзлар ҳаётингизда кўп керак бўлади. Тўхтовсиз фильм томоша қилсангиз кўзингиз кўр бўлиб қолиши мумкин. Шифокорлар айтишича, олти соат кўзинг дам олмай кино кўрса, одам кўзи кўрмай қолиши мумкин экан. Кўз нурини керакли нарсаларга сарф этинг. Китоб ўқинг, дарсингизни бажаринг. Кўр бўлиб қолишдан худо арасин. Раҳматли катта бувангиз Мўмин отам уч йил умрлари зулматда кечган. Илоҳим, умримнинг якунигача кўзим нуридан ажралиб қолмай”, деб илтижо қилардилар. Худойи таоло илтижоларини қабул қилди. Умрларини сўнгигигача кўз нурларидан шикоят қилмадилар.

Дехқончиликни ўрган



“Ернинг бир қаричи ҳам бўш қолмасин. Ўсма, район, картошка, помидор, жўхори эк. Олма, шафтоли, узум, ўрик дараҳтларини вақтида суғор. Сенинг ота-боболаринг

дехқончилик илмининг билимдонлари бўлишганини унутма. Абдулҳақ буванг “Қўйлиқ иссиқхонаси” директори, бувангни акалари Абдулҳай ота Мирзачўлни гулистонга айлантирган, аграномликдан вилоят раҳбарлигигача бўлган мashaққатли йўлни босиб ўтганлар. Шуерилмини тушунишганлиги, ерга меҳр беришганлиги учун. Сен бугун ерни боқсанг, эртага ер сени боқади”, дердилар бувижоним.

Совға беришни унутма.

Эсимда, 5-6 ёшларда эдим. Эсимни таниган пайтим. Бир куни бувижоним нафақа пулларини олдилар-да “олиб қўй” деб қўлларимга тутқаздилар. “Сенга велосипед олиб берамиз” дедилар. Хурсанд бўлиб пулни ота-онамга олиб бориб бердим.



Бир неча кун ўтиб, бувим ваъда қилганларидек, ота-онам ўша пайтдаурф бўлган, барча болалар орзусидаги уч оёғли велосипед олиб келишди. Қувончдан осмонга сакрадим. Бу меҳрибон бувимнинг ўз набирасига катта совғаси бўлди. Ушбу совғани оқлай олдим-ми?, деган саволга бугунги кунда ҳам жавоб топа олмадим.

Қари билганни -пари билмас

Болалигимдан ота-онамни қийнаган муаммо “букир” бўлиб қолишим мумкинлиги эди. Чунки, қўкрак қафасим олдинга бўртиброқ чиқсан ва ўртасидан икки ёнга ажралмаган

кўринишда бўлган. Кимдир сузиш керак деса, бошқалар бошқа маслаҳатлар беришди. Аммо, мўъжиза юз берди-ю муаммога нуқта қўйилди. Бир куни ойнага қараб турган эдим. Бувижонимнинг менга кўзлари тушди-ю хурсанд бўлиб “Алишер! Сен букир эмассан, қўкрак қафасинг тўғри ривожланаётган экан”, дедилар. Гапларига ишонмадим, “Қандай билдингиз, бувижон?” дедим. “Ойнага қара, нимани кўряпсан? Қўкрак қафасингни ўртасидан чизик ўтганлиги кўриняптими?” дедилар. Ойнага қарасам ростдан ҳам қўкрак қафасимнинг ўртасидан охиригача чизик ўтганлиги кўриниб турарди. “Агарда сенда касаллик бўлганда шу чизик бўлмас эди”, деб тушунтирдилар бувижоним. Ўша пайтда “Қари билганни-пари билмас” лигига яна бир бора амин бўлдим. Бувижоним кўплаб одам ечолмаган жумбоқни, бир марта кузатишлари билан, ечган эдилар. Шунингдек, ойнанинг биз билмаган сирини ҳам очиб, кашфиётчилик қобилиятини ҳам кўрсатган эдилар.

Чиройли исм танла

“Бир вақтлар даволанишга санаторияга бордим. Бир шифокор йигит менинг соғлиғимга қараб турди. Исли Алишер экан. Бу йигитнинг меҳрибонлигини кўриб, ҳавас қилдим. Неварали бўлсам, албатта, шу шифокорга ўхшаб юрсин, исмини Алишер қўяман деб ният қилдим. Аслида, бу исмга ёшлигимдан меҳр қўйган эдим. Фарзандларимдан бирига шу исмни қўймоқчи бўлганман. Фаришталар омин деган экан сенга насиб қилди. Синглинг Нодирахонни туғилиши йили “Нодирабегим” фильмидан таъсирланиб Нодирахон исмини танлаганман. Исм ҳам устингдаги либосингдек чиройли бўлиши керак. Чиройли исм танлай билиш ҳам маҳорат. Устингдаги либоснинг оддийлигини чиройли исминг яшириб туради” дердилар, раҳматли бувим.

Умид билан яша

Бувижоним 90 йил яшаган бўлсалар. Кўп йиллар турли дардлар билан курашиш билан ўтган. Аммо, ҳеч қачон ношукур бўлмаганлар. Шифокорлар сизни ногиронлик нафақасига чиқарамиз, дейишганда, бувижоним қўл-оёғим соғ бўла туриб ногирон номини оламанми, уяламан деб, рад этадилар. Умрларининг сўнгги йиллари юра олмай қолдилар, аммо бир куни юра оламан, худо хоҳласа деб, ҳаракат қилдилар. Нафасларини сўнгигача умид билан яшадилар. “Оёғларингни юриб тургани, кўзинг кўриб тургани, томоғингдан овқат ўтиб тургани катта баҳт” дердилар.

Дуо ол

Бувижоним барчамизни доимо дуо қилганлар. “Сувдек сероб бўл, олган тупроғинг олтин бўлсин. Шайтоннинг юзи тескари бўлсин, ватанимиз доим тинч бўлсин. Барча фарзандларимни ўз паноҳингда асрагин, худойим” деб дуога қўл очардилар. Қилган ҳар бир хизматимиз учун дуо билан мукофотлаганлар. “Олтин олма, дуо ол – дуо олтин эмасми” мақолини такрор-такрор айтиб, кексалар дуосини олишга чорлардилар.

Алишер Тоиров,

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

БАҚТРИЯ ТУЯЛАРИ



Туя ҳайвонот олами тарихида энг эски ҳайвон турларидан биридир. Эволюциячилар назариясига кўра, туя ҳам динозаврлар билан бирга йўқ бўлиб кетиши керак эди, лекин ҳеч бир табиат ҳодисаси уни йўқ қилиб юборолмаган. Туя фақат целлюлоза (чўл ва даштларда дағал ўт ва хашаклар, янтоқ, саксовул) билан озиқланиб, витаминларни ва ҳаёт учун керакли барча кимёвий моддаларнинг кўпини ишлаб чиқарувчи ва шу тариқа ҳәтини давом эттирувчи бирдан-бир ҳайвондир. Туя бир неча минг йиллардан ҳозирга қадар одамзотга ташувчилик хизматини қилаётган ягона жонивордир. Ўрта Осиё худудида бундан 100 йил аввал ҳам туялар почтаси мавжуд бўлган. Туялар ўз вазнининг ярмига teng — 250-300 кг юкни кўтара олади, вазнига нисбатан 10-12% оғирликдаги юкни тортиш кучига эга. Соатига ўртacha 4 км тезликда, кунига 35-40 км масофани босиб ўтади.

Агар устида юки бўлмаса, тўхтовсиз 100 километр йўл боса олади. Туя бир ичишда 200 литрга яқин сув ичади. Шўр сувни ҳам ичаверади. 100 литр сувни 10 дақиқада ичиб тутгатади. Туя бир ҳафтагача емай, 34 кунгача сув ичмасдан юриши мумкин. Сув бор жойни 50-60 километр узоқликдан ҳис этади.

Туя сути таркибида калций, магний, темир, фосфор, С, D витаминлари, фойдали минерал ва микроэлементлар кўп бўлиб, у сигир сутидан бир неча карра фойдалироқ. Туя сути – парҳез маҳсулот. Унда ёф ва шакар миқдори сигирникидан анча кам.

Туя сути сутэмизувчилар ичида инсон сутига энг яқинидир. Туяning тана ҳарорати тунда, сахро совиганда +34°C гача пасаяди. Кундузи 41°C даражагача кўтарилади. Бу боис теварак-атрофдаги ҳаво ҳарорати ўзгарганда туя деярли терламайди ва сув йўқотилишининг олди олинади. Туя жуни қуёшда 70-80 градусгача қизиса-да, унинг тана ҳарорати 40 градусда бўлади. Туяning ўркачида сув эмас, ёф сақланади. Ўркач туя учун озуқа захираси ҳисобланади. Туя ўркачи қаттиқ озуқани ейишни бошлаганидан кейин пайдо бўлади, шунинг учун бўталоқларнинг ўркачи бўлмайди. Туялар сувни ўркачлардаги ёғлардан олади, 100 грамм ёғнинг оксидланишидан 107 грамм сув ҳосил бўлади. Ўркачдаги ёф ҳаддан зиёд иссиқ ҳавода тана ҳароратини меъёрда ушлаб туради.

Туя гавдасининг ерга тегиб турадиган қисмларида, кўкраги, тирсаги ва тиззасида қадоқли тузилмалар бор. Шу туфайли иссиқ (70°C гача қизиган) ерда ҳам ёта олади. Туяning кўзи фавқулодда кўриш қобилиятига эга бўлиб, 3-4 километрдан таҳдидларни аниқлай олади. Учта кўз қовоғи, икки қатор узун киприклар кўзга кум киришининг олдини олади.

Қалин қошлар, зич ва қалин соchlар кўз ва бошни қуёш нурларидан ҳимоя қилишга ёрдам беради. Туялар бурнига кум кириб кетишининг олдини олиш учун бурун тешиклари очилиб-ёпилади. Туя лаби билан тиканли чўл буталарини заарсиз ея олади.

Туяning қулоқлари ўткир әшитиш қобилиятига эга. Қулоқлар ичкаридан ва

ташқаридан тук билан қопланган бўлиб, қумдан ҳимояланган. Чанг бўронлари пайтида туялар қулоқларини айлантира олади. Туяниг туёқлари узун бўлиб, уларни қумга бир текис тақсимлайди ва чўкиб кетмайди. Туя отлар каби олдинга ва орқагагина эмас, тўрт томондаги одам ё ҳайвонни тепа олади. Туёқларидаги эластиклик даражаси юқори.



Туялар нафақат иссиқ ҳароратли минтақаларда, жуда паст ҳароратли жойларда ҳам яшай олади. Уларда қишида совуққа бардошли узун ва қалин ҳимоя жунлари ўсади, ёз ойларида эса тўкилади. Урғочи туяларнинг ҳомиладорлик даври 12 ойдан 14 ойгача. Туяларнинг эгиз туғиш ҳолати деярли кузатилмаган. Янги туғилган бўталоқнинг вазни 34 килограммгача бўлади. У туғилгандан ярим соат ўтибоқ юришни бошлайди.

Туя — дунёда энг қайсар жонивор. Агар у ётиб дам олишни хоҳласа, уни ўрнидан қўзғатиш жуда қийин. Унинг жаҳрини чиқарсангиз, туфлаб ташлайди. У жуда аниқ туфлайди ва тупуги жуда бадбўй бўлади. Чунки у оддий

сўлак эмас, нақ ошқозондан отилиб чиқади. Туя денгиз ёки дарёда суза олади. Туя арабчада “жамал” — “гўзаллик” маъносини билдиради. Бу сўз аввал юнонларга “kamēlos” шаклида ўтиб, ундан инглизларга “camel” тарзида ўтган. Бақтриан – икки ўркачли туя. Қалмоқ, Қозоқ ва Мўғул зотлари мавжуд.

Ватани Марказий Осиё. XIX аср охирларигача жануби-тарбий Монголия чўлларида ёввойи ҳолда яшаган. Халқаро табиат муҳофазаси кенгаси Қизил Китобига киритилган. Совуққа, қурғоқчиликка ва баланд тоғларга чидамлилиги туфайли қадимда Ипак Йўли бўйлаб карvonлар ҳаракатини таъминлади.

Милоддан аввалги 4500-йилларда Бақтрия туяси хонакилаштирилган. Улар қунига 47 км йўл босиши ва 170-250 кг юк кутаришга қодир. Улар ўтхўр ҳисобланади, тиканлар каби ўткир нарсаларга бардош бероладиган, қаттиқ оғизлари билан қуруқ, тиканли, шўр ва аччиқ ўсимликларни ея олади, деярли ҳар қандай ўсимликларни юта олади.

Бундай озиқланиш уларга сийрак ўсимликлар бўлган ҳудудларда яшаш имконини беради. Бақтрия туялари жуда моҳир бўлиб, турли ҳароратларга бардош беролади. Бир неча ойлаб сувсиз қолиши мумкин. Сув бўлганда эса 57 литргача ичади. Бу туяларнинг кўриш ва ҳид билиш ҳисси яхши ривожланган. Умр давомийлиги 50 йилгача, кўпинча тутқунлиқда 20-40 йилгача баҳоланади.

Жўрабек Сирожиддинов,

ўз мухбиришимиз.

ТОНГГИ УМИДЛАР

Яқинда “Oltin kitob” нашриёти томонидан чоп этилган Турон Фанлар Академияси академиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, таниқли шоира Жаббарова Шукуржон (Жозиба) нинг янги китоби айнан шундай деб номланади.

Шу кунгача Жозибанинг “Дил изҳори”, “Мени кечир, дилкашим”, “Фариштам”, “Кўнгилдаги дунё”, “Қизил гул ва алвон хотиралар”, “Чумоли Тўттининг саргузаштлари”, “Боғдаги сұхбат”, “Табаррук инсон хотираси”, “Муслимбек эртаклари”, “Менинг узун қўлларимсиз, онажон！”, “Кўнгил денгизидаги марваридлар” каби шеърий ва насрый китоблари нашр этилган.

Шукуржон Жаббаровани янги асар билан табриклаб, унга янгидан-янги ижодий зафарлар тилар эканмиз, қўйида ушбу китобдан ўрин олган айрим шеърларни эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.

Азамат Тоиров,
журналист,

ИЛТИЖО

Ўтган йиллар қайтиб келса умримга,
Йўлларимни яна берса ўзимга.
Хатоларим айланса бир тузумга
Ўчирадим, бир-бир босиб изимга.

Ёшинг ўтар, умри жонинг ойдинда,
Қайчиларсан яхши-ёмон ичинда.
Сарҳисоби бўлар олов ўтинда,
Умринг, кунинг қолар армон эвинда...

Китобни бер, китобни,
Илму урфон, офтобни.
Олгин ундан бемисл
Гўзал ахлоқ, одобни.

Ҳар қадам ранг очарсан,
Элни қўркли қиласан.
Кундай тўлиб яшарсан,
Толиб фарзанд бўларсан.

Дунё унда авжланар,
Ҳарф денгиздай мавжланар.
Руҳ илмдан куч олар,
Дил саҳнида уйғонар.

Яхшиликнинг ишини,
Пухта қилгин ҳар куни.
Китоб ўки бил шуни,
Топарсан бахт қушини.

Китобда бор қаромат,
Ўргатар одоб, хикмат.
Ҳар қатида минг ҳиммат,
Эзгу йўл бор, ол ибрат!

ХОРАЗМ ЙЎЛЛАРИДА


На сўз бўлса айтдингиз,
Ёз айвона қайтдингиз.
Ухлаб билмин ётдингиз,
Ёнингиза ман борин...

Бош томонда сўри бор,
Сўрида бир “бўри” бор.
Қўрқаман қараб дурар
Шу гетса жим-жим борин.

Авонлари генг акан,
Кўнглинда ким данг акан?
Қарасам ёлғиз ҳамон
Ёр ёнина бир борин.

Олма пишди айвонда,
Қовун тарвуз хирмонда.
Оч бўлсак шу дармонда,
Ман ёrima оп борин.

ЖОЗИБА





BO'LADIGAN BOLA BOSHIDAN...

Maxamatov Durbek Bekzod o'gli. 2012 yilning 3 mart sanasida Toshkent viloyatining Chinoz tumanida tug'ilgan. Bolaligidan o'zining zukkoligi va hozirjavobligi bilan tengdoshlaridan ajralib turar edi. 2019 yil tumandagi 26- sonli umumta'lim maktabiga 1 - sinfga o'qishga chiqdi. Ko'p o'tmay ustozи Ixmatova Ra'no opa uni sinf sardori etib tayinladi. Onasining talabchanligi va tashabbusi bilan 1 - sinfdaligidanoq ingliz tilidan qo'shimcha darslar ola boshladi. Bunga albatta o'zida qiziqish ham bor edi. Vaqt o'tib bilim borasida sinfdoshlaridan ancha ilgarilab keta boshladi. 3 sinfdan matematikadan ham qo'shimcha darslarga bora boshladi.



Ustozi Lola opaning taklifi bilan Durbek Prezident maktabiga kirish uchun tayyorlana boshladi. Qator onlain testlarda yuqori natijalar qayd etishni boshladi. Tinimsiz mehnati va iqtidori evaziga 2023 yilda Nurafshon shahridagi Prezident maktabi imtihoning ikkita





murakkab bosqichidan o'tib 3600 ta talabgaor ishtirok etgan tanlovda kuchli 24 talikdan joy olib. Respublikida nufuzi jihatdan eng kuchli maktablar deya e'tirof etiladigan Prezident maktabi o'quvchisi bo'ldi.



Buni qarangki Nurafshondagi Prezident maktabida ham unga omad kulib boqib Habiba Atabayevadek o'z kasbining fidoyi, jonkuyar ustozi nasib qildi. Pabiba opa bilan Durbek yangi marralarni zabit etadi.

U nafaqat aniq fanlar yoki ingliz tilidan balki Tasviriy san'atdan ham Xudo bergan iqtidor egasidir. U chizgan suratlar, yasagan o'yinchoqlari sizni lol qoldirishiga aminman.

Maktabda ham na'munali hulqi va bilimi bilan ustozlarini ishonchini oqlayapti.

Shu yilda tashkil qilingan milliy TASIMO olimpiadasida va xalqaro AIMO olimpiadalarida ishtirok etib kumush medal va musobaqaning final bosqichiga yo'l oldi. AIMO xalqaro matematika olimpiadasining Toshkentda tashkil qilingan final bosqichida ham muvaffaqiyatli qatnashib sovrinli o'rinnegalladi.

U bilan suhbat qurib shu narsani tushunasizki qarshingizda 12 yoshli bola emas. Shaxsiy fikrini ayta oladigan til biluvchi zamонавиъ yosh avlod vakili ekanligini, kelajakda mamlakat foydasiga nafi tegishi mumkin bir shaxsni ko'rish mumkin!

Ramazon Rustamov,
o'z muxbirimiz.

Jurnal har chorakda bir marta chop etiladi.

Muassislar:

- O'zbekiston Fermer, dehqon xo'jaliklari va tomorqa yer egalari kengashi,
- Tadbirkorlik va fermerlikni qo'llab-quvvatlash markazi
- "Kafolat servis" MChJ

Nashr
O'zbekiston Respublikasi
Oliy attestatsiya komissiyasi
Rayosatining
2020-yil 31-dekabrdagi
290/10-sonli qarori bilan
Oliy attestatsiya komissiyasining ilmiy
jurnallar ro'yxatiga olingan.

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar
muallifga qaytarilmaydi.

ISSN 2010-9024

Nashr indeksi: 1123

Tahririyat manzili:
100140, Toshkent shahar,
Nukus ko'chasi 77-uy
Tel/faks: +99895 195-52-52.
Tel: +99897 480-34-82.

Jurnal "Agro Biznes Inform"
MChJ kompyuter markazida
sahifalandi.

Chop etildi: 25.10.2024-yil.

Guvohnoma raqami: №990721
2021-yil 17-mayda berilgan.

Qog'oz bichimi: 60x84 1/8.

Buyurtma № 02.
Adadi: 1100 nusxa.

Baҳosi keлишилган нархда.

Manzil: Toshkent shahar,
Nukus ko'chasi, 77-uy.

Нашрни тайёрлашда ЎзА ва интернет
материалларидан фойдаланилди.

MUNDARIJA

Юртнинг кучи — бирликда, қадри эса тинчликдадир	2
Фидойилик эътирофи	5
Фахрий унвон, орден ва медаллар қутлуғ бўлсин!	7
Асрор Мўмин. Ўзбек қизи – олимпия чемпиони!	9
Саттаров М. А., М. Бойматова А. Соя навларининг дала унувчанлиги ва сақланувчанлигига нанопрепаратларнинг таъсири	12
Кожевникова А. Г. Моллюски в Узбекистане	15
Сабзавот кўчатчилиги услуби ва унинг аҳамияти	23
Тоиров Н. Устоз отахоннинг шукронаси	27
Тоиров Н. Шароф Рашидовнинг муносиб шогирди	31
Темиров С. Журналимиз фаоли 1 даражали “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишонига сазовор бўлди	35
Тоиров Н, Зохир Хасанзода. Жизнь, посвящённая науке	37
Аҳмедова С. Юрт ардоқлаган аёл	41
Тоиров А. Боғон	43
Ғайрат Мажид. Тан ичра жон битта, Ватан биттадир!	47
Тоиров А. Бувижонимдан мерос қолган хазинам	50
Сирожиддинов Ж. Бақтрия туялари	54
Жозиба. Тонгги умидлар	56
Rustamov R. Bo'ladigan bola boshidan	58